БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ


ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 42 (2590) | жума, 28 февраль 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Наманган шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати коллективининг республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги шарафига «Коммунизм қурувчиларга намунали маиший хизмат кўрсатайлик» шиори остида социалистик мусобақани қизитиб юбориш тўғрисидаги ташаббусини маъқуллади.

Область ва шаҳар партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва шаҳар ижроия комитетларига, Ўзбекистон касаба союзлари Советига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бош бошқармасига, «Узбекбирлашув»га, Коммунал хўжалиги министрлигига наманганликлар мурожаатини барча маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг коллективларида муҳокама қилиб чиқиш ва аҳолига намунали маиший хизмат кўрсатиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбориш топширилди.



ЕР—ЭЛ ХАЗИНАСИ

Она ер чиндан ҳам эл хазинаси. Азамат чорвадорлар шу ернинг поёнсиз яйловларида уюр-уюр йилқи, пода-пода мол, отар-отар қўй боқиб, халқимиз дастурхонига мўл-кўл ёғ-гўшт, сут етказиб беришади. Миришкор соҳибкорлар шу ер бағрида кенг токзорлар, ям-яшил мевали боғлар барпо этиб, шу дастурхонга турли-туман, ширин-шакар нози-неъматлар армуғон этишади. Ўз касбига меҳр-муҳаббат қўйган деҳқонларимиз шу ердан миллион-миллион пуд ғалла, минг-минг тонналаб сабзавот етиштириб, «оқ олтин»дан тоғ-тоғ хирмон уйиб эл-юртнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиради, усти-бошини бут қилади. Она ер — эл хазинаси, деганимизнинг маъноси мана шу!

КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми шу ернинг қадри-қимматига етиш, унинг ҳосилдорлигини тинмай ошириб бориш, шу йўл билан чорвачилик маҳсулотлари, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш, бунинг учун ҳеч бир оғишмай интенсивлаш йўлидан боришдек муқаддас ва шарафли вазифани қўйди.

Хўш, интенсивлаш деган сўзимизнинг асил маъноси нима? Интенсивлаш: фан ва илғор тажриба асосида барча колхоз ва совхозларда деҳқончилик ва чорвачиликнинг юксак маданиятига эришиш, барча экинлар ҳосилдорлигини кескин суратда ошириш ҳамда меҳнат ва маблағларни энг кам сарфлаган ҳолда ҳарбир гектар ердан олинадиган маҳсулотни кўпайтиришдир. Бунга деҳқончиликни ва чорвачиликни кенг равишда химиялаштириш, суғориладиган деҳқончиликни бутун чоралар билан ривожлантириш, комплекс механизацияни дадиллик билан қўлланиш, фан муваффақиятларини, илғор тажрибаларни изчиллик билан оммалаштириш орқали эришамиз.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленумида қабул қилинган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш тўғрисидаги қарорни бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилди. Ҳар бир хўжаликнинг экономикасини чуқур ўрганиш, мавжуд резервлар ва имкониятларни изчиллик билан қидириб топиш ва шу асосда 1964 йилда ва яқин йиллар ичида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш юзасидан янги марралар белгиланди. Ҳар бир колхоз ва совхозда, ферма ва бригадада пахта ва бошқа экинлар ҳосилини ошириш, чорва маҳсулдорлигини кўпайтириш учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозимлиги равшан кўрсатиб берилди.

Тўғри, кейинги йилларда республика қишлоқ хўжалигини интенсивлаш соҳасида анчагина ишлар қилинди. Пахтачилик соҳасида жуда катта ғалабага эришилди. Бунга кўп жиҳатдан минерал ўғитларни, заҳарли химикатларни, дефолиантларни кенг кўламда ишлатиш, деҳқончилик маданиятини ошириш орқали эришилди. 1963 йилда 1953 йилдагига нисбатан ерга 1,6 баравар кўп ўғит солинди. Суғориладиган ҳар юз гектар ер 835 центнердан ўғит билан озиқлантирилди. Шу йўл билан ўтган йили 1953 йилга нисбатан давлатга 1 миллион 167 минг тонна кўп пахта, 1,4 баравар кўп дон 3,7 баравар кўп канап пояси етказиб берилди. Сабзавот етиштириш беш баравар, полиз маҳсулотлари 11,3 баравар, сут 3,2 баравар, гўшт 2,5 баравар тухум 6,4 баравар, жун 1,4 баравар кўп сотилди. Ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига ялпи маҳсулот етиштириш 1,5 баравар кўпайди. Колхозларда меҳнат унумдорлиги 35 процент ошди.

Серқуёш республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари эришган ана шундай улкан ғалабада областимиз азамат пахтакорларининг, ишбилармон чорвадорларининг, миришкор сабзавотчи ва соҳибкорларининг, уста ғаллакор ва моҳир пиллачиларининг ҳам қўшган салмоқли ҳиссаси бор. Суғориладиган ерларнинг қадрига етиб, пахта, ғалла, чорва ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда ғолиблар қаторидан ўрин олган оққўрғонликлар, юқоричирчиқликлар, бўкаликлар, Калинин бошқармасининг меҳнатсевар кишилари эришган ютуқлар чиндан ҳам мақтовга лойиқ. Улар қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялашга интилиб, ерни минерал ва маданий ўғит билан тўйдириб озиқлантириш учун курашиб, фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий этиб, қолоқ хўжаликларни илғор хўжаликлар даражасига етказиб олиш учун зарур тадбирларни амалга ошириб, катта ғалабага эришдилар.

Эндиги вазифа областимизнинг барча хўжаликларида ҳам интенсивлаш йўлидан дадиллик билан бориб, умумий юксалишга эришиш учун, кам куч ва маблағ сарф қилиб, мўл ва арзон маҳсулот етиштириш учун чинакам кураш бошлашдан иборат. Суғориладиган ерларнинг қадрига етиб унинг ҳар юз гектари ҳисобига кўпроқ маҳсулот етиштириш учун ўзаро социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариш зарур. Бунинг учун КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми ва республика Компартияси Марказий Комитети пленуми белгилаб берган йўлдан дадиллик билан бориш керак. Минерал ўғитлардан ва бошқа химиявий воситалардан ҳар қачонгидан ҳам самараліроқ фойдаланиш лозим. Бунда илғор фан ютуқларига суяниш зарур.

Химияни қишлоқ хўжалигига кенг жорий қилмоқ учун аввало агрохимияни яхши биладиган, минерал ўғитлардан, гербицидлардан, заҳарли химикатлардан самарали фойдаланишни уюштира оладиган ва уларни қўлланишни механизациялаштира оладиган кадрлар тайёрлашни ташкил этиш энг биринчи навбатдаги ишимиз бўлмоғи керак. Арзон ва мўл-кўл маҳсулот етиштириш учун кураш бошлаган эканмиз, бунинг учун даставвал қишлоқ хўжалигимизни комплекс механизациялаштиришга интилмоғимиз лозим. Интенсивлаш йўлида умумий юксалишга эришмоқчи эканмиз, фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга изчиллик билан жорий этмоғимиз керак.

Серқуёш республикамиз бу йил жонажон Ватанимизга камида 3 миллион 600 минг тонна пахта, 35—40 миллион пуд дон, 290 минг тонна сут, 185 минг тонна гўшт, 17 минг тонна пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш учун курашмоқда. Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бу улуғ курашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари, интенсивлаш йўлидан бориб, ҳар қачонгидан арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ҳормай-толмай меҳнат қилишлари лозим.

Н. С. ХРУШЧЕВ ДАНИЯ БОШ МИНИСТРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Дания бош министри Енс Отто Краг билан 27 февралда Кремлда учрашиб, у билан суҳбатлашди.

Совет томонидан суҳбатда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан ташқи савдо министри Н. С. Патоличев қатнашди.

Дания томонидан суҳбатда Данияниинг Совет Иттифоқидаги элчиси Кристиан Д. Хольтен—Эггерт, Дания Ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Пауль Х. Фишер ва бошқалар ҳозир бўлишди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбат вақтида ҳар иккала томонни қизиқтираётган масалалар устида, шу жумладан Совет Иттифоқи билан Дания ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш масалалари устида фикрлашув давом эттирилди.

(ТАСС).



ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Гулистон» колхозининг ғаллакорлари баҳорги ғалла экиш ишларини бошлаб юбордилар. Улар бу йил 4500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 12 центнердан буғдой ва арпа ҳосили етиштиришга, булутургига нисбатан 1-5 минг тонна кўп дон олишга қатъий аҳд қилдилар. Юқоридаги суратда ғалла экиш пайти тасвирланган. Олдинда, сеялкачи ўртоқ Эргаш Рўзиматов.

ЯНГИЙЎЛ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Свердлов номли колхоз механизаторлари техника ремонтини тугаллай деб қолдилар. Слесарлардан И. Файзиев ва Ш. Юнусов ўртоқлар чигит экадиган сеялкаларни созлашда бошқаларга ўрнак кўрсатишяпти. Пастдаги суратда: (чапдан) И. Файзиев ва Ш. Юнусов ўртоқлар иш устида.

В. Кожевников (ЎзТАГ) ва М. Комлев фотолари.

ЁШЛАР ВА СТУДЕНТЛАРНИНГ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ, ТИНЧЛИК ВА МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК УЧУН КУРАШГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ФЛОРЕНЦИЯ ШАҲРИ

Жаҳон ёшларининг Флоренцияга тўпланган вакиллари бўлган сизларни чин кўнгилдан табриклайман. Конференциянгизнинг чақирилиши ёш авлоднинг тинчликни мустаҳкамлаш, ёппасига ва батамом қуролсизланишни амалга ошириш ишига, миллий озодлик ҳаракатининг янги муваффақиятларга эришуви ишига ўз ҳиссасини қўшиш иштёқи ошганлигидан далолат беради.

Замонамизнинг энг катта проблемаларини ҳал этишда ёшларнинг актив иштирок этаётганлиги жуда яхши. Сизлар навқиронсиз, истиқболингиз катта.

Инсониятнинг келажаги тинч бўлсин учун ва барча халқлар озод ва бахтиёр бўлсин учун курашда ўз куч-ғайратингизни қўпайтира берингиз! Тинчлик ва қуролсизланиш учун, миллий мустақиллик учун, мустамлакачиликка ва империализмга қарши курашаётган ёшларнинг ҳамма отрядлари бирлигини ва ҳамкорлигини мустаҳкамлангиз. Сафларингизнинг бирлиги, барча мамлакатлар ва қитъалардаги прогрессив кучларнинг бирлиги — ғалабанинг энг муҳим гаровидан биридир!

Конференция қатнашчиларига ишда чин кўнглимдан муваффақиятлар тилайман.

Н. ХРУШЧЕВ.

1964 йил 26 февраль.

БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Ўзбекистон Компартчяси Марказий Комитети болаларни тарбиялаш масалалари юзасидан 26 февралда республика кенгаши ўтказди. Кенгашда область партия комитетларининг идеология иши билан шуғулланувчи секретарлари, шаҳар партия комитетларининг биринчи секретарлари, шунингдек Тошкентдаги район партия комитетларининг секретарлари, Ўзбекистон КП область ва шаҳар комитетларининг бўлим мудирлари, область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, шаҳар ижроия комитетлари ва Тошкентдаги район ижроия комитетларининг раислари, маориф, олий ва ўрта махсус таълим, маданият министрликларининг, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Профессионал-техника таълими давлат комитетининг ҳамда республикадаги бошқа министрликлар ва бошқармаларнинг раҳбар ходимлари, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретарлари ва бўлим мудирлари, область ва шаҳар комсомол комитетларининг секретарлари, раҳбар касаба союз ходимлари, маъмурий органларнинг раҳбарлари, бир қанча йирик корхоналарнинг директорлари, партия комитетларининг секретарлари ва завод касаба союз комитетларининг раислари, мактаб директорлари, мактаб бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ва бош пионер вожатийлари, мактабдан ташқари болалар муассасаларининг раҳбарлари, матбуот ходимлари, адабиёт ва санъат арбоблари қатнашди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари ўсаётган авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ишнинг аҳволини атрофлича анализ қилдилар. КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми талаблари асосида бу ишни янада яхшилаш тадбирларини белгилаб олдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, республика Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ЭНЕРГЕТИКЛАР КЕНГАШМОҚДА

27 февралда Тошкентда Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги партия-хўжалик активининг кенгаши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. М. Нажесткин кенгашни очади.

Министрликнинг 1963 йилги ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти якунлари ва 1964 йилги вазифалар тўғрисида министр А. Х. Хамидов доклад қилди. Доклад юзасидан музокаралар бошланди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. В. Мартинов нутқ сўзлади.

Кенгаш 1964 йил учун социалистик мажбурият қабул қилди. Ўзбекистон энергетиклари ўзларининг белорус, ленинградлик ва ивановолик ўртоқлари билан традицион мусобақани давом эттиришга қарор қилдилар. (ЎзТАГ).

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

Н. С. ХРУШЧЕВ МАКТУБИГА

СЕНЕГАЛ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖАВОБИ

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг давлат (ҳукумат) бошлиқларига 1963 йил 31 декабрдаги мактуби муносабати билан Сенегал Республикасининг президенти Леопольд Седар Сенгор Совет ҳукуматининг бошлиғига жавоб хати юборди.

Л. Сенгор ўз хатида ёзадики, давлатлар ўртасидаги территориал низолар масаласи «айниқса Европада, Ўрта Шарқда ва Осиёда халқаро кескинликни кўп даражада кучайтириб турган омиллардан биридир. Яқиндагина халқаро майдонга кириб келган Африка давлатлари ҳам бу иллатдан қутула олмадилар».

Сўнгра Сенегал президенти иқтисодий қолоқликка барҳам бериш проблемаси ҳақида гапириб, ёппасига қуролсизланиш — бу проблемани тезроқ ҳал қилишга ёрдам берган бўлур эди, деб уқтиради. «Гарчи бизнинг мақсадимиз ёппасига ва батамом қуролсизланиш йўли билан тинчликни таъминлаш бўлса ҳам, — дейилади хатда, — аммо ҳал қилиниши натижасида халқаро кескинликни юмшатишга олиб бориши мумкин бўлган проблемаларга катта аҳамият бермоқдамиз. Территориал масалалар устидаги низолар ҳам ана шундай проблемалар жумласига киради».

Л. Сенгор ўз хатида Осиё ва Африкадаги бир қанча чегара можароларини эслатиб, бу можароларни ҳал қилишнинг фақат битта тўғри методи бор, у ҳам бўлса — музокаралар йўли билан тинч бартараф этиш методидир, деб таъкидлайди.

Л. Сенгор Сенегал ўзига қўшни бўлган давлатлар билан ўзининг территориал проблемаларини бартараф этганлигини кўрсатиб, пировардида қуйидагиларни ёзади: «Бу гапларнинг маъноси шуки, жаноб Раис, мен территориал низоларни ҳал қилишда Сиз таклиф этаётган усулларга батамом қўшиламан. Бу усул амалда музокаралар назариясининг қўлланилиши бўлиб, яна бир марта такрорлаб айтсам, ана шу назария менинг мамлакатим ташқи сиёсатда амал қилиб келаётган принципларидан биридир. Мана шунинг учун Сиз ўртага қўйган принцип ҳусусида Сизнинг фикрингизга қўшилиш билан бирга, Сенегал шартномасининг конкрет қоидалари устида ўзи зарур топган мулоҳазаларни ва, эҳтимолки, шартларни тегишли пайтда баён қилиш ҳуқуқини албатта сақлаб қолган ҳолда, шартнома тайёрлаш тўғрисидаги музокараларда қатнашишга ўз томонидан тайёр турган бўлур эди».

МУСТАМЛАКА МАМЛАКАТЛАР ВА ХАЛҚЛАРГА МУСТАҚИЛЛИК БЕРИШ ҲАҚИДАГИ ДЕКЛАРАЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН

НЬЮ-ЙОРК, 26 февраль. ТАСС мухбири С. Лосев хабар беради:

Кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари У Тан мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларациянинг амалга оширилишини кузатиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузган Махсус комитетнинг навбатдаги сессиясини очди.

Махсус комитет ўзи иш бошлаганидан бери ўтган икки йил ичида, деди У Тан, асосан Африка қитъаси мамлакатларини мустамлакачиликдан қутқариш билан шуғулланди. Бу қитъада ҳали ҳам энг катта мустамлака территориялар ва баъзи бир энг қийин мустамлака проблемалари бор.

Комитет 1964 йилда қиладиган ўзининг ишларида, деди У Тан, Бош Ассамблеянинг XVIII сессиясида маъқулланган резолюцияни эътиборга олиб, ўтган йил ўзи муҳокама қилган мамлакатлар территориясида яқинда бўлиб ўтган воқеаларга ҳеч шубҳасиз алоҳида эътибор беради.

У Тан жарбий-жанубий Африкадаги, Жанубий Родезиядаги, Басутоленддаги, Бечуаналенддаги ва Свазиленддаги, Португалия бошқараётган территориялар — Ангола, Мозамбик ва Португалия Гвинеясидаги, шунингдек Адандаги, Британия Гвианасидаги, Шимолий Родезиядаги, Ньясаленддаги, Испания Сахрои Кабиридаги, Гамбиядаги аҳволни назарда тутиб, шу гапларни айтганлигини таъкидлади.

Ер юзида ҳали ҳам 60 га яқин қарам территория сақланиб келмоқда. Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш ҳақидаги декларация шу территорияларда жорий қилиниши лозим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XVIII сессияси 1963 йил 11 декабрдаги ўзининг резолюциясида Махсус комитетга «ҳали ҳам мустақилликка эришмаган барча территорияларга нисбатан декларацияни дарҳол ва тўла амалга оширишнинг энг яхши йўлларини ва воситаларини қидиришни давом эттиришни» топширган эди. Ассамблея мустамлакачи давлатларнинг махсус комитет билан ҳамкорлик қилишдан бош тортганликларини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорларини бажаришдан бош тортганликларини қоралади. Ассамблея мустамлака ёки қарам территориянинг биронтасида халқаро тинчликка ва хавфсизликка хавф туғдирадиган воқеалар рўй берса, бу ҳақда Хавфсизлик Кенгашига ахборот беришни комитетга топширди.

ҚОНУН ВА ТАРТИБНИНГ ТАНТАНА ҚИЛИШИ УЧУН

НИКОЗИЯ, 26 февраль. (ТАСС). 25 февралда Кипр президенти Макариос Кипр ҳукуматининг қарорини эълон қилди. Шу қарорга мувофиқ, қурол олиб юришга рухсати бўлмаган кипрликларнинг ҳаммаси ўз қуролларини ҳукумат маъмурларига топшириши лозим. Хавфсизлик кучларига бу қарорни амалга ошириш буюрилди.

Кипр полицияси кўпайтирилиб, 5 минг кишига етказилади. Бу чоралар қонун ва тартибнинг тантанаси учун ўтказилаётганлиги таъкидланмоқда.

КАПИТАЛ МАМЛАКАТЛАРИДА СИНФИЙ ЖАНГЛАР

ПОЕЗДЛАР КЕЧИКИБ ЮРДИЛАР

Токионинг атрофида қатнайдиган электр поездлар 25 февраль эрталаб жуда суст қатнадилар. Иш ҳақининг оширилишини ва меҳнат хавфсизлигининг таъминланишини талаб этган темир йўл ходимларининг ўзига хос забастовкаси поездларнинг секин қатновига сабаб бўлди.

Темир йўллар маъмурияти поездларни тез юргизишни ҳа деб талаб қилмоқда. Маъмурият томонидан ишлаб чиқилган графикка риоя қилмоқ учун темир йўлчиларни ҳатто қатнов қоидаларини бузишга — вагон эшикларини барвақт ёпиб қўйишга, ёнгинарчилик пайтида қатнов тезлигини етарли даражада пасайтирмасликка мажбур этадилар ва ҳоказо. Бу сафар поездлар қоидаларга мувофиқ юрдилар ва шу сабабли маррага кечикиб етиб келдилар. Перронга чиқишда касаба союз вакиллари йўловчиларни қутиб олдилар ва ана шу хилдаги забастовканинг сабабларини тушунтириб бердилар.

Бундай забастовка Токио шаҳри атрофидаги узел станцияларида ўтказилди. Шаҳарлар орасидаги бир қанча йўлларда ҳам шундай ҳоллар рўй беради.

ҚУРОЛ-ЯРОҒ ЯСОВЧИЛАРНИНГ ТАЛАБЛАРИ

Бельгиянинг Эрсталь шаҳридаги давлат қурол-яроғ корхонасининг 11 минг ишчиси бир неча марта қисқа муддатли забастовка ўтказишга қарор берди. Ишчилар иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар. Корхона ишчилари ҳар куни бир соат мобайнида ишларини тўхтатиб турадилар.

Мамлакатдаги энг йирик касаба союз бирлашмалари ишчиларнинг талабларини қўллаб-қувватламоқдалар.

ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН

Лондондаги «Браун лимитед» компанияси корхоналарининг машинасозларидан 600 киши забастовка ўтказишга қарор қилди. Компаниянинг штатларни қисқартириш ниятида эканлигига қарши норозилик билдириш юзасидан шундай қарор қабул қилинди. (ТАСС).

ЧЕТ ЭЛЛАРДАН ҚИСҚА ХАБАРЛАР

⊙ Совет цирки мастерларининг биринчи группаси Гаванага келди. Улар Куба Республикасида ўтказиладиган гастролларда қатнашадилар.

⊙ Бразилиянинг энг йирик саноат маркази Сан-Пауло шаҳрида «Бразилия-Куба» маданий иттифоқи тузилди.

⊙ Вашингтонда АҚШ давлат секретарининг Узоқ Шарқ масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Рожер Хилсмэн истеъфо берганлиги эълон қилинди. Хилсмэн АҚШнинг Жанубий Вьетнамдаги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашган асосий шахсларнинг бири эди. Вашингтон АҚШнинг Жанубий Вьетнамдаги ҳарбий фаолиятини кучайтиришга қаратилган янги тадбирларни эълон қилганидан бир кун кейин Хилсмэн истеъфо берди.

⊙ АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги Ернинг махфий сунъий йўлдоши 25 февралда Пойнт-Аргуэльо базасидан (Калифорния штати) учирилганлигини эълон қилди. Йўлдошни учириш учун «Атлас-Агена» ракета системасидан фойдаланилди. Йўлдошнинг орбитага чиқарилганлиги ёки чиқарилмаганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот билдирилмайди.

⊙ Консерваторлар Пирсон ҳукуматига ишончсизлик вотумини тақдим этган эдилар. Канада умум палатаси атиги саккиз овоз кўпчилик билан бу вотумни рад этди. 120 депутат ишончсизлик вотумини ёқлаб, 128 депутат унга қарши овоз берди. Консерваторлар ҳукуматининг иқтисодий сиёсатини танқид қилганларидан кейин, ҳукуматга ишончсизлик билдирган эдилар. (ТАСС).

ҲАМИША БАРҲАЁТ ТАЪЛИМОТ

ТАҚРИЗ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактаби ва Ижтимоий фанлар академиясининг нашриёти «К. Маркс ва Ф. Энгельс матбуот тўғрисида»[1] тўпламини нашр этди.

Олий партия мактабининг журналистика ва адабиёт кафедраси томонидан тайёрланган бу тўпламга илмий коммунизм асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельснинг матбуот ишининг турли масалаларига оид фикрлари баён қилинган асарлари, мақолалари, хатлари ҳамда улардан парчалар киритилган. Буларда матбуотнинг ижтимоий ҳаётдаги роли ва аҳамияти, ишчи матбуотининг асосий вазифалари ва етакчи принциплари, журналистик фаолиятнинг характери ва ўзига хос хусусиятлари, партиявий публицистларнинг бурчи ва фазилатлари, матбуот тили, услуби ҳамда революцион журналистикага доир бошқа жуда муҳим проблемалар илмий асосда чуқур таҳлил қилиб берилган.

Тўпламга исм, предмет ва вақтли нашрларнинг кўрсаткичлари ҳам илова қилинган. Мазкур тўплам Маркс ва Энгельснинг матбуот тўғрисидаги қарашлари билан таништирувчи биринчи китобдир.

* * *

Илмий коммунизм асосчиларидан революцион пролетариат ва унинг авангарди — коммунистик партияларга мерос бўлиб қолган бебаҳо назарий бойликнинг муҳим таркибий қисмини матбуот тўғрисидаги марксча таълимот ташкил қилади.

Маркс революцион фаолиятининг илк даврларидаёқ матбуотнинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамияти тўғрисидаги масалалар билан қизиқа бошлаган. Англия, Франция ва Бельгияда бўлган буржуа революцияларини тайёрлаш ва амалга оширишда буржуа матбуотининг ролини қунт билан ўрганган. У ўзининг матбуот тўғрисидаги қарашларини 1842—1843 йилларда «Рейн газетаси» учун ёзган мақолаларида биринчи марта ўртага ташлади. У матбуотнинг жамоатчилик фикрини вужудга келтириш ва шакллантиришда, синфлар курашини ташкил қилишда катта аҳамиятга эга эканини, матбуот устқурманинг актив формаларидан бири эканини кўрсатиб. Пруссиядаги реакцион тартибларни агдариб ташлашдан манфаатдор бўлган революцион кучлар ҳам ўз матбуот органларига эга бўлиши зарур деган хулосага келади.

Карл Маркс 1844 йилда Парижда Пруссия монархиясига қарши бўлган революцион кучларни ғоявий ва ташкилий жиҳатдан жипслаштириш мақсадида «Немис-француз йилномаси» деган журнал ташкил қилади. У шу журналда эълон қилиш учун ёзган мактубларидан бирида: «Бизнинг вазифамиз—эски дунёни фош қилиш ва янги дунё барпо қилиш учун ижобий иш олиб боришдан иборатдир» деб кўрсатган ва «Немис-француз йилномаси» журналининг шу мақсадга хизмат қилишини таъкидлаб ўтган эди. Унинг фикрича, журналнинг диққат марказида дунёни революцион йўл билан қайта қуриш йўлларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш масаласи турмоғи керак эди.

Демак, Маркс коммунистик назарияни, ишчилар синфининг дунёқарашини ишлаб чиқишда муҳим ролни матбуот зиммасига юклаган. Кейинчалик Маркс ҳам, Энгельс ҳам революцион ишчи матбуоти пролетариат синфий курашининг муҳим таркибий қисми бўлиши кераклигини қайта-қайта уқдирганлар.

Илмий коммунизм асосчилари революцион ишчи матбуотининг ишчилар оммасини ғоявий ва ташкилий жиҳатдан жипслаштириш ҳамда уларни буржуазияга қарши синфий жангларга сафарбар қилишда жуда катта роль ўйнашини кўрсатиш билан бирга, ишчи матбуоти ўз ишини қандай принциплар асосига қуриши лозимлигини ҳам асослаб бердилар. Маркс ва Энгельс биринчи бўлиб пролетариат матбуотининг жанговар партиявийлик, халқчиллик, ҳаққонийлик ва пролетар интернационализми сингари етакчи принципларини ишлаб чиқдилар ва ўзларининг журналистик фаолиятларида уларни изчиллик билан амалга оширдилар.

Маркс ва Энгельс амалий фаолиятларида юксак ғоявийлик ва партиявийлик намунасини кўрсатдилар. 1848 йилда Маркс ва Энгельс томонидан ташкил қилинган ва Маркс муҳаррирлигида чиққан «Янги рейн газетаси» партиявийлик байроғини баланд кўтариб, немис пролетариатининг чексиз муҳаббати ва ишончига сазовор бўлди. Владимир Ильич Ленин бу газетани «Революцион пролетариатнинг энг яхши, тенги йўқ органи» деб баҳолаган эди. Илмий коммунизм асосчилари ишчилар ҳаракати ва пролетар матбуотидаги оппортунизмга қарши шафқатсиз курашдилар, ўзлари ҳамкорлик қилган ишчи газеталарининг чинакам коммунистик йўналишда чиқиб туришини таъминлашда тинмай ғамхўрлик қилдилар. Улар ишчи матбуотининг раҳбар ходимлари партиянинг энг обрўли, сиёсий-назарий жиҳатдан чиниққан аъзолари орасидан тайинланиши зарурлигини талаб қилдилар. Бу эса матбуотда партиявийлик принципини таъмин этишнинг энг муҳим шарти эди.

Тўпламда партиявий публицистларнинг фазилатлари, журналистлик касбининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида Маркс ва Энгельс томонидан илгари сурилган қимматли фикрларни акс эттирувчи жуда кўп қизиқарли маълумотлар келтирилган. Марксизм асосчилари журналистлик касбини ғоят масъулиятли, қийин ва шу билан бирга жуда шарафли касб деб қисоблар эдилар. Улар партиявий публицист софдил, саботли ва жасур бўлишидан ташқари, яхши услубга, чуқур назарий билимга эга бўлмоғи, қаламга олган темасининг моҳиятини усталик билан очиб бераоладиган, коммунистик назарияни ишчилар ҳаракатининг амалий вазифалари билан боғлиқ равишда тарғиб қилаоладиган, воқеа ва фактларни диалектик тарзда таҳлил қила биладиган бўлмоғи керак, деб таълим бердилар.

Маркс билан Энгельс революцион фаолиятларининг дастлабки даврлариданоқ аввал демократик матбуот, сўнгра ишчилар матбуотида фаол иштирок қилдилар; жаҳоннинг ишчилар ҳаракати авж олган мамлакатларида революцион матбуот органларини вужудга келтириш, пролетариатнинг садоқатли ва саботли журналистларини тарбиялаб вояга етказиш борасида жон куйдириб ишладилар. Улар ўзларининг сермаҳсул ва сермазмун публицистик фаолиятлари билан жаҳон ишчилар ҳаракатининг тараққиётига, пролетар журналистикасининг шаклланиши ва ривожланишига буюк ҳисса қўшдилар.


В. И. Ленин бошчилигидаги рус марксистлари Россияда революцион ишчи матбуотини ташкил қилиш, унинг конкрет вазифаларини белгилаш ва уни йўлга қўйишда К. Маркс ва Ф. Энгельснинг матбуот соҳасидаги ажойиб традицияларига, бебаҳо амалий тажрибаларига таяндилар. В. И. Ленин илмий коммунизм ижодкорларининг матбуот тўғрисидаги таълимотини чуқур ўзлаштириб ва уни халқаро оппортунизмга қарши қурашда сабот билан ҳимоя қилибгина қолмай, бу таълимотни янги тарихий шароитда янги ғоя ва хулосалар билан бойитди, юқори босқичга кўтарди.

«К. Маркс ва Ф. Энгельс матбуот тўғрисида» тўплами партия мактабларидаги газета бўлимларининг тингловчилари ва олий ўқув юртларидаги журналистика факультетлари ва бўлимларининг студентлари учунгина эмас, балки матбуот, радио, телевидение, ходимлари учун ҳам ғоят қимматли қўлланмадир. Тўплам коммунистик матбуот принципларини ҳамда функцияларини, Маркс ва Энгельснинг публицистик маҳоратини чуқурроқ ўрганишга, матбуотнинг коммунистик қурилишдаги роли ва аҳамиятини юқори кўтаришга ёрдам беради.

Мазкур асар пропагандистлар, тарихчилар ва умуман идеология фронтининг ҳамма ходимлари учун жуда фойдали. Шу сабабли уни ўзбек тилида ҳам нашр қилиш керак.

Т. ПИДАЕВ,
В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг старший ўқитувчиси.

[1] «К. Маркс и Ф. Энгельс о печати». Издательство ВПШ и АОН при ЦК КПСС, Москва, 1963 г.



Пайпоқни қўлда тўқиш жуда майда иш. Бироқ «ақлли» машиналар бундай машаққатни писанд қилишмайди. Улар бир меёрда ишлаб турса бас, пайпоқ тўқилаверади. Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикаси ишлаб чиқариш цехларида ҳам замонавий станоклар кўплаб ўрнатилган. Ишчилар уларнинг ҳаракатини назорат қилиб тури-шади, ҳолос. Суратда: фабрика цехларидан бирида.

ЯНГИ ЦЕХЛАРГА ПОЙДЕВОР

Ўтган йили Олтинтопган конметаллургия комбинатидаги мис бойитиш фабрикасининг биринчи навбати ишга туширилган эди. Ҳозир фабриканинг иккинчи навбатига пойдевор қўйилмоқда.

Сервер Плак бошлиқ комплекс бригаданинг қурувчилари бош корпус пойдеворини барпо этишда муносиб ҳисса қўшдилар. Икки дурадгор пойдевор учун опалубка тайёрлади. Иван Андреевич Клеветов билан Захар Григорьевич Суравикин оғир конструкцияларни ўрнатишди.

Бригадада тўрт дугона бор. Людмила Чеховская билан Екатерина Шчербакова, Людмила Полиефтова билан Валентина Хлимонова — ҳаммаси бир касбда, бир участкада ишлайди. Ҳозир улар 2-корпус пойдевори учун пўлат арматураларни ўрнатишаяпти.

«Стальмонтаж» бошқармасининг Иван Данилович Ветров раҳбарлигидаги монтажчилар бригадаси тез ва аъло сифатли ишламоқда. Владимир Титов, Маъруф Зулфиқоров, Анатолий Танигин каби илғор монтажчилар дастлабки конструкцияларни ўрнатиб бўлдилар. Бетончилар ҳам, арматурачилар ҳам, монтажчилар ҳам ягона мақсад — мис бойитиш фабрикасининг иккинчи навбатини тезроқ қуриб битказиш мақсадида яшамоқдалар.

В. АКИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН

Яқинда Октябрь район партия активи йиғилиши бўлиб ўтди. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт корхоналарининг 1963 йилги иш якунлари ва республика ҳамда Ўзбекистон Компартияси 40 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишда район партия ташкилоти олдидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Октябрь район меҳнаткашлари 1963 йил ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 104,1 процент қилиб бажардилар. Ипак-йигирув фабрикаси, чинни заводи, 2,6-нон заводлари, бадиий тикувчилик фабрикаси коллективлари олинган социалистик мажбуриятларини ортиғи билан адо этдилар.

Ўтган давомида 80 минг квадрат метр уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилди.

Шимолий Олмазор, Оқтепа, Студентлар шаҳарчаси каби турар-жой массивлари қад кўтармоқда. 200 минг квадрат метрдан ортиқ тротуар, кўча ва майдонлар асфальтланди. Болалар муассасалари кўпайиб бормоқда.

Лекин 1963 йилги иш якунлари шуни кўрсатдики, районда мавжуд ички резервлардан фойдаланиш ёмон аҳволда. Трактор-йигув заводида ортиқча харажатлар кўпайиб кетган, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати пастлигидан 1963 йилда тайёрланган тракторларнинг 30 процентдан ошиғи бракка чиқарилган. Натижада иш ҳақи фондидан 100 минг сўм ошиқча пул сарфланган. 4-тикув фабрикаси, Охунбобоев номли фабрика, кровать ва ғишт заводлари давлат планини бажармаганлари устига сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Райондаги саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари Ўзбекистон республикаси ва Компартиясининг 40 йиллиги байрамини муносиб кутиб олиш тадбирларини белгиламоқдалар.

Юбилейни муносиб кутиб олиш ҳаракати тобора қизғин тус олмоқда. Меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбявий ишларни кучайтириш ишига ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Райондаги театр, кино ва бошқа оммавий-маданий ташкилотлар шонли тўйга катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Революция ҳамда гражданлар уруши, шунингдек Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашувлар ташкил қилинади. «Октябрь райони 40 йил ичида» виставкаси ташкил этишга ҳам ҳозирлик кўрилмоқда. Докладчи—район партия комитетининг биринчи секретари Р. Бобожонова ва музокарада қатнашган нотиқлар ана шулар ҳақида батафсил гапирдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Давлат нашриётининг директори Ўртоқ Ф. Юнусов нашриёт коллективи катта тўйга «Ўзбекистон республикаси ва Компартиясининг 40 йиллик шонли йўли», «Аҳил оилада», «Оқ олтин» ўлкаси», «Бухоро—Урал», «Ўзбекистонда фан», «Ўзбекистон халқ маорифи», «Ўзбекистон-лик Совет Иттифоқи қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари», «Ўзбекистон Компартиясининг тарихи» каби китобларни совға қилажаги ҳақида гапирди.

Шонли юбилейгача районда бир қанча янги маданий-маиший муассасалар, савдо тармоқлари қурилади. Қорасарой кўчасида 900 ўринлик касалхона биноси қад кўтаради. Собиқ 1-шаҳар касалхонаси ўрнига 200 ўринлик туғруқхона очилади, 9-поликлиника кенгайтирилади. Шимолий Олмазор, Оқтепа массивларида бир неча юз ўринли болалар боғчаси, 4 та 2 қаватли озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари, бир неча ошхона ва маҳаллаларда жамоатчилик асосида ишловчи клублар, аптекалар, почта, медицина пунктлари ва бошқа жамоат бинолари қурилади. Район ижроия комитетининг раиси С. Норқўзиев, ана шулар ҳақида гапирди. У район территориясини янада обод қилиш, қурилишларни тезлаштиришга муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир корхона, маҳалла комитетлари ва районда яшовчи ҳар бир кишининг граждалик бурчи эканини уқтирди.

Йиғилишда сўзга чиққан 3-тикувчилик фабрикаси мастери Абдуллаева, кровать заводининг директори Файзиев, бадиий каштачилик фабрикасининг тикувчиси Собирова ва бошқа ўртоқлар ўз коллективлари юбилей шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, давлат планини муддатидан илгари бажаришга астойдил интилаётганликлари ҳақида гапирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон республикаси ва Компартияси 40 йиллиги юбилейини муносиб кутиб олиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилинди.

М. МИРЗАЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ХАЛҚ КОНТРОЛИ ҲАМДА ПАРТИЯ-ДАВЛАТ КОНТРОЛИ САҲИФАСИ

КЎЗБЎЯМАЧИНИНГ ҚИСМАТИ ШУ

Шахсий манфаатни ҳамма нарсадан, ҳатто жамият манфаатларидан юқори қўйиш, мансабпарастлик, кўзбўямачилик, давлат, халқни алдаш, манманлик—буларнинг ҳаммаси ўтмиш, жирканч капиталистик тузум қолдиқлари эканлигини бизда ҳамма яхши билади. Афсуски, коммунизмни шахдам қадамлар билан барпо этаётган қаҳрамон халқимиз шаънига доғ тушираётган, ўтмиш сарқитлари ботқоғига ботиб қолган, жирилдон балосига мубтало бўлган шахслар ҳали ҳам бор. Чирчиқдаги 227-УНР нинг собиқ бошлиғи В. К. Ханин ва бош инженери А. В. Ройтманлар ана шундай кишилардан экан.

Тошкент саноат область партия-давлат контроли комитети томонидан яқинда ўтказилган текширув натижасида уларнинг шундай номақулчиликлари аниқландики, асти қўяверинг. Уларнинг йирик бир қурилиш бошқармаси раҳбарларига хос бўлмаган қилиқлари, вазифаларига ҳаддан ташқари масъулиятсизлик билан қараганликлари натижасида давлатга катта зарар келтирилган. Бу икки шахс 1959 йилда бошқарма бошлиғи ва бош инженери қилиб тайинланганларидан кейин ўзаро тил бириктириб, халқни алдаш йўлига кирганлар, қилинмаган ишни қилинди ёки бажарилганини кўпайтириб кўрсатишни одат қилиб олишган. Бунинг учун сохта ҳужжатлар расмийлаштириш-ган. Давлат маблағини шахсан ўзлаштириш, қурилиш учун зарур бўлган бинокорлик материалларини кўплаб талон-торож қилишдан ҳам тоймаганлар.

Уларнинг қилмишларидан айрим мисолларни келтириб ўтишнинг ўзи Ханин ва Ройтманларнинг қиёфасини яққол кўз олдингизда намоён қилади. 1959 йилда бошқарма бўйича ҳаммаси бўлиб 3 миллион 146 минг 631 сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилгани ҳолда 3 миллион 191 минг 338 сўмлик иш адо этилди, деб ҳисоб берилган. 50 минг сўмлик қилинмаган иш қилинди, деб кўрсатилган. Ўша вақтдаёқ бу кўзбўямачилик очилган ва бошқарма раҳбарлари огоҳлантирилган эди. Лекин на Ханин, на Ройтман бундан тегишли хулосалар чиқариб олишди. Уни тақрорламасликка оғизгагина ваъда бердилар, холос. Амалда эса ўз билганларидан қолишмади. Ўргарган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек эски одатларини тарк эта олмадилар. Худди шундай кўзбўямачиликлар ундан кейинги йилларда ҳам давом этаверди.

1963 йилда ҳам қўшиб ёзишлар содир бўлди. Бирқанча объектларни қуриш бўйича бажарилган ишлар ўлчаб кўрилганда шундай фактлар аниқланди. Масалан, Тошкент паррандачилик фабрикаси қурилишида бажарилган қурилиш ҳажмига 9337 сўм қўшиб ёзилган. Ядро физикаси институтининг циклотрон лабораторияси қурилишида бу фарқ 10 минг сўмликдан кўпроқни ташкил этган. Боз устига 2860 сўмлик қурилиш материаллари, жумладан 6,3 тонна цемент, 33 кубометр қоришма, 168 квадрат метр чинни плиткалар гумдон қилинган.

Ханин ва Ройтманлар ҳатто бутунлай қўл урилмаган ишларни ҳам бажарилди, деб ҳисобот бериб юбораверганлар. Ядро физикаси институти территориясини кўкаламзорлаштиришда худди шундай бўлди. Улар институт территориясига 7673 дона манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди, деб иккита сохта акт тузишган. Қилинган иш учун институтдан 10095 сўм ҳақ олишган. Бунда уларга институт агрономларидан Т. Ҳамидов, В. Русиновский, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган умум қурилиш участкаси прораби Артишевлар «ёрдам» беришган. Улар кўра-билатуриб кўзбўямачиларга кўмаклашишган.

Бошқарма раҳбарлари ўз мансабларини кўп ҳолда суиистеъмол қилишдан ҳам қайтмаганлар. Улар давлат автомашинасида овга ҳам бориб туришган. Фақатгина ўтган йили Қозоғистон ССР территориясига уч марта овга чиқишган. Ҳар гал ками билан 15 кундан ишни ташлаб кетганлар. Ана шу овга чиқишлар давомида давлат машинасида 3 минг километрга яқин йўл босганлар. Бу 597 сўмга тушган. Ханин, Ройтманлар эса албатта бу миқдордаги пулни ўз ёнларидан тўлашмаган. Айни вақтда эса ўз иш жойларидан маошларини тўла олиб туришган.

Ханиннинг яна бир фирибгарлиги маълум бўлди. У ўтган йилнинг 20 февралида 227-УНР бошлиғи вазифасидан озод қилинади ва ядро физикаси институтига ишга ўтади. Ядро физикаси институти бўйича чиқарилган буйруқ бўйича у 20 февралдан бошлаб бош инженернинг ўринбосари қилиб тайинланади. Лекин Ханин бу ерда ҳам «ҳунар» кўрсатиб, институтдан 10 февралдан бошлаб маош олади. Ваҳоланки, у ана шу вақт ичида 227-УНР бошлиғи сифатида ҳам бошқармадан маош олган. Шу йўл билан қўшимча 86 сўм ўмарган.

Саноат область партия-давлат контроли комитети Ханин ва Ройтман ўртоқларга нисбатан кескин чоралар кўрди. Уларни қилмишларига яраша жазолади.

Ш. ҚОСИМОВ.

КАМЧИЛИКЛАР ТУЗАТИЛМАГАЧ...

Мутлақо хато қилмайдиган киши йўқ. Мард киши ўз хатосини дарҳол тан олиб, тезда уни тўғрилаш тадбирларини кўради. Хатосини кўрсатган кишиларга миннатдорчилик билдиради. Бироқ, шундай тоифа одамлар ҳам борки, уларнинг хатосини кўрсатсангиз ҳафа бўлишади. Хатони тан олиш ва ишни тузатиш ўрнига ғаразгўйлик, гинахонлик ҳам қилиб юришади. Республика автомобиль ва тош йўллар министрлиги ҳузуридаги йўл қурилиши трестига қарашли иккинчи йўл қуриш бошқармасининг бошлиғи В. Г. Перфильев, 14-кўприк қуриш бошқармаси бошлиғи П. Г. Головнин ўртоқлар кейинги тоифадагилардан чиқиб қолишди.

... Ўтган йил сентябрь ойлари эди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети партия-давлат контроли комитети ўтказган текширувда иккинчи йўл қуриш бошқармаси ҳамда 14-кўприк қуриш бошқармасида ўрнатилмаган ускуналарни сақлаш ва ҳисобга олиш ишлари ниҳоятда ёмон аҳволда эканлиги аниқланди. Мавжуд камчиликларни қисқа муддатда бартараф қилиш вазифаси бу ташкилотлар раҳбарларига топширилди.

Яқинда Тошкент шаҳар партия-давлат-контроли комитети республика партия-давлат контроли комитетининг бу кўрсатмаси қандай бажарилаётганлигини текширди. Текширув бу бошқармаларнинг раҳбарлари қилинган танбеҳдан тегишли хулоса чиқариб олмаганликларини кўрсатди. Бошқармалар раҳбарлари ҳатто ўрнатилмаган ускуналарни ишга туширишга бўйича амалий чоралар ҳам кўрмаганлар.

Иккинчи йўл қуриш бошқармасига бундан қарийб уч йил аввал нархи 12 минг 614 сўм турадиган «Маваг» маркали локомобиль келтирилган эди. Машинани монтаж қилиш учун капитал ремонтга ажратилган маблағдан қонунсиз равишда 250 сўм сарфланди. Локомобиль чалаярим ўрнатилдию шундайлигича қолиб кетди.

Шу-шу бўлдию қиммат баҳо бу машина усти ёпилмаган чалдиворхонада уч йилдан бери сариқ чақалик наф келтирмай ётаверди. Бошқарма бошлиғи ўртоқ Перфильев эса локомобилни эсидан ҳам чиқазиб юборди. Давлат мулки ишга яроқсиз ҳолга келаётганлиги билан иши ҳам бўлмади.

Бошқарма 1962 йили электротехника қоидаларига хилоф равишда 150 метр масофага кабель ётқизди. Кабель йўғонлиги тўғри келмаганлиги учун яна қазиб олинди. Бу зарарлар ҳам давлат ҳисобидан ёпиб юборилди.

Ўртоқ Перфильев раҳбарлик қилган бошқарма территориясида 3 минг 251 сўм турадиган «СМ-571» маркали виброгрохот, 6700 сўмлик «СМ-16А» маркали тош майдалайдиган машина, 1 минг 17 сўмга олинган «СЛ-107» маркали электрод тайёрлайдиган аппарат, 2100 сўмлик пластинкали тақсимлагич машина фойдаланилмай ётибди. Бекор ётган жами асбоб-ускуналар нархи 25 минг 682 сўмни ташкил этади. Қизиғи шундаки, бу ускуналар трестга юборилаётган ҳисобот варақаларида қайд ҳам қилинмайди.

14-кўприк қуриш бошқармаси хўжалигида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Бошқарма территориясида қиммат баҳо асбоб-ускуналар бетартиб ётипти. Бу ерда уч дона нуқтали пайвандлаш машинаси, учта «ВУ-12» маркали компрессор, 320 киловаттли трансформатор киоскаси ва бошқа бир қанча ускуналар анчадан бери ўрнатилмаган. Мазкур ускуналар ҳисобот варақаларига ҳам киритилмаётир.

Бошқармада ёнғинга қарши кураш қоидаларининг бузилганлиги, электр ускуналаридан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганлиги оқибатида давлатга 1228 сўм зарар етди. Бироқ иш ёпти-ёпти қилиб юборилди. Айбдорлар жазоланмади. Бошқарма бошлиғи ўртоқ Головнин бўлса бу ҳақда ўйлашни ҳам хоҳламайди. Холбуки, «Уздорстрой» трестининг жавобгарлар ишини тергов органларига ҳавола қилиш ҳақида буйруғи ҳам бор.

Тошкент шаҳар партия-давлат контроли комитети В. Г. Перфильев, П. Г. Головнин ўртоқларнинг давлатнинг асосий фондини ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш масаласига ўтакетган даражада хўжасизларча қараганликларини қайд қилиб, В. Г. Перфильевга виговор эълон қилди, П. Г. Головнинни эса қаттиқ оҳоҳлантирди. Мавжуд камчиликлар яқин ҳафталар ичида бартараф этилиши лозимлиги кўрсатилди, конкрет айбдорлар жавобгарликка тортилмаган тақдирда уларга нисбатан янада жиддийроқ чоралар кўрилиши таъкидланди.

М. МУҲАМЕДОВ.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

«Ташсельмаш» заводининг пресслаш корпусига ҳар куни юзлаб тонна металл келтирилади. Бу материални автомашиналарда ташиб келтириш анча қимматга тушаётганлигини назарда тутиб, маъмурият завод темир йўл шохобчасини қурдиришга қарор қилди. 980-УНР (бошлиғи ўртоқ Новоженин) ва 984-УНР (бошлиғи ўртоқ Марков)лар билан шартнома ҳам тузилди. Бу оқилона тадбирни барча маъқуллади. Шартнома бўйича темир йўл шоҳобчаси 1963 йил 30 сентябрда фойдаланишга топширилиши лозим эди-ю, бироқ...

Мана, 1964 йилнинг икки ойи ҳам ўтиб қолди. Аммо темир йўл шоҳобчаси ҳамон ишга тушгани йўқ. Материаллар ҳали ҳам автомашиналарда ташилмоқда. Кейинги икки ой ичида темир йўл шоҳобчасида ташилиши лозим бўлган юкларнинг автомашиналарда ташилганлиги оқибатида завод 2880 сўм зарар кўрди.

Нега десангиз пудратчилар темир йўлни брак қилиб қўрдилар. Чунончи, рельслар остига нормадагидан кам шпал ётқизилди. Бунинг устига шпаллар дориланмади ҳам.

Юқоридаги бир қанча нуқсонлар туфайли ўрта Осиё темир йўли инспекцияси актига биноан темир йўл шоҳобчаси фойдаланишга топширилмай қолди. Пудратчилар айби билан темир йўл шоҳобчаси қурилишида йўл қўйилган нуқсонларни бартараф қилиш учун камида 3713 сўм сарфланиши лозим.

Тошкент шаҳар партия-давлат контроли комитети яқинда бу масалани муҳокама қилиб, ишга масъулиятсизлик билан қараб брakка йўл қўйганлиги ва бу билан давлатга моддий зарар етказганлиги учун 980-УНР бошлиғи Новоженин ва 984-УНР бошлиғи Марков ўртоқларни қаттиқ огоҳлантирди.

К. ШОДИЕВ.

Тошкент шаҳар ҳуқуқшунослик билимлари университетида халқ назоратчилари факультети ташкил этилди. Бу факультетга 250 га яқин киши — шаҳар ва район партия-давлат контроли комитетининг аъзолари, жамоатчи инспекторлар, кўмаклашувчи группаларнинг, раислари ёзилдилар. Яқинда биринчи машғулот бўлиб ўтди Суратда: халқ назоратчилари факультетининг тингловчиларидан бир группаси: (чапдан) 40-мактаб директори А. Келганов, республика Қизил ярим ой жамияти старший инспектори А. Анрамов, саноат область партия-давлат контроли комитетининг инспектори Т. Аъзамхўжаев ва химия-фармацевтика заводи старший мастери Г. Рихсиев ўртоқлар.

М. Комлев фотолари.



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
2-БЕТ, 28 ФЕВРАЛЬ 1964 ИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» натижаларни маълум қилади

«ИШЛАР ЎЛДА-ЖЎЛДА»

Газетамизнинг 8 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган мақолада: «Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли совхоз раҳбарлари ўтган йилги аччиқ сабоқлардан ҳали ҳам тегишли хулоса чиқариб олмаганлар. Буни техника ремонтига ҳалигача росмана киришмагани, шудгорлашни ҳамон тамом қилишмагани яққол кўрсатиб турибди» дейилган эди.

Мақола совхоз бошланғич партия комитетининг кенгайтирилган очиқ мажлисида муҳокама қилиниб, газетанинг совхозда содир бўлаётган камчиликларни ўз вақтида ва жуда тўғри кўрсатиб берганлиги қайд этилган.

Очиқ партия мажлисида, —дейилади Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Т. Ортиқхўжаев имзоси билан редакциямизга келган жавоб хатида, — 3-бўлимнинг бошқарувчиси Холдоровнинг ўз вазифасига бепарво қараганлиги қаттиқ қораланди ва уни ишдан бўшатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Иккинчи бўлим бошқарувчиси Геннади Пакка қаттиқ маъмурий чора кўрилди. Совхознинг бош инженер-механиги Н. Теннинг техникани ўз вақтида ремонт қилиш ва уни яхши сақлаш ишига масъулиятсизлик билан қараганлиги кўрсатиб ўтилди ҳамда қаттиқ огоҳлантирилди.

Техникани ремонт қилиш ва экипажларни экишга тахт қилиб қўйиш ишлари яқин кунда тугалланади. Экипаж аъзоларидан 285 киши билан ҳозир мунтазам машғулот ўтказилмоқда.

Совхоз директори Норим Бойматов ҳамда бош инженер П. Кратенколар раҳбарликни уддалай олмаганликлари сабабли вазифаларидан бўшатилдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ИНТЕНСИВЛАШ—БОШ ЙЎЛИМИЗ

Турғун РАЖАБОВ,

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қатнашчиси, Бўка ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари.

□ □

ДАВР ТАЛАБИ

ПАРТИЯМИЗ Марказий Комитетининг февраль Пленумида иштирок қилиш менинг учун жуда қувончли воқеа бўлди. Пленумдан жуда кўп нарсаларни ўрганиб қайтдим.

Докладлар, нутқлар бири иккинчисини тўлдириб борди. Ҳар бир нотиқ ўз сўзида янгилик ҳақида, бой тажрибалар ҳақида мисоллар келтирди. Мен уларнинг сўзларини ҳаяжон билан тингладим. Кетма-кет минбарга чиқаётганларни эшитганим сари бошқармамиз хўжаликларидаги аҳвол кўз ўнгимдан ўтаверди. Ўзим мажлислар залидаману кўнглим бошқармамизнинг колхоз ва совхозларида. Гўё Пленум бизнинг бошқармамиз ишларининг ҳаммасини, икир-чикирларигача қолдирмай муҳокама қилаётганга, ҳақиқатан ҳам бизни катта синовдан ўтказаётганга ўхшарди.

ПАРТИЯМИЗ Марказий Комитетининг февраль Пленуми хўжаликларимизнинг фаолиятига оқилона баҳо берди. Ютуқларини қўллаб-қувватлади. Камчиликларини кўрсатиб, олга томон интилишга даъват этди. Мамлакатда битта ҳам қолоқ, кам ҳосиллик хўжалик бўлмасин деди. Пленум олим ва селекционер, деҳқон ва механизатор, чўпон ва зоотехник, галлакор ва комбайнер, партия ва совет ходими учун ҳам ҳақиқий улкан бир университет бўлди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Пленум минбаридан туриб айтган қуйидаги сўзлари ҳар биримиз учун ғоят даражада қимматлидир.

— **Қарор қабул қилиб,**— деди Никита Сергеевич,— **ўз иродамизни, ўзимизнинг жипслигимизни ва бу масаланинг муҳимлигини якдил бўлиб тушунганлигимизни билдирганимиздан кейин ўзимизнинг ташкилотчилик қобилиятларимизни кўрсатишимиз лозим, барча колхозчилар, механизаторлар, совхоз ходимлари, раҳбарлар, олимлар ва мутахассисларнинг — қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида халқ бахт-саодати учун меҳнат қилаётган барча кишиларнинг куч ва ғайратини конкрет ишларга йўллашимиз лозим. Партиямизнинг кучи ҳам худди шундаки, унинг сўзи билан иши бир-биридан ажралмайди.**

Ҳа, биз совет кишилари бир сўзли, аҳдига вафо қиладиганлардан. Бутун куч ва иродамизни партия ва ҳукуматимиз қарорларини изчиллик билан амалга оширишга қаратганмиз.

Пленум қатнашчилари томонидан якдиллик билан қабул қилинган қарорда эса «Интенсивлаш—қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг бош йўли, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг асосий йўлидир». дейилган. Бу сўз ернинг ҳар гектаридан унумли фойдаланиб, юқори ҳосил олиш, қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш ва химиялаш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш деган сўздир. Бу қишлоқ хўжалигимизни янада юксалиши учун бош йўл, юксалиш йўлидир.

БОШҚАРМАМИЗ меҳнаткашлари партиямизнинг XXII съезди қарорларини амалга ошириш учун жон куйдириб ишлашяпти. Ҳар бир кундан унумли фойдаланиб, экинлар ҳосилини кўпайтиришяпти. Деҳқонларимизнинг ерга, техникага, ўғитга бўлган муносабатлари яхшиланаётгани сари, ҳосилдорлик ортиб боряпти. Буни ўтган йилги иш якунларимиздан ҳам кўриш мумкин. Бизда 23 ноябрдаёқ пахта тайёрлаш плани бажарилди. Ватан омборларига 61424 тонна «оқ олтин» тўкдик. Бу 1962 йилда етиштирган пахтамизга нисбатан 13500 тонна кўпдир. Бир йилнинг ўзида ҳосилдорлик гектар бошига 4,5 центнергача кўпайди. Кўп ерда чигит барвақт экилгани учун ҳосил эрта етилди. Нобудгарчиликка йўл қўйилмади. Ҳосилнинг 90 проценти биринчи сортларга қабул қилинди.

Бошқармадаги совхозларнинг ҳаммаси ҳам ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш билан кифояланиб қолмадилар. Пландан ташқари қўшимча равишда 1757 тонна пахта топширилди. Совхозларимиз қолоқликдан чиқиб қаддиларини ростлаб олишди. Совхоз ишчилари пландан ташқари топширган пахталарининг эвазига 930 минг сўм фойда олдилар. Эндиликда бошқармамиздаги хамма совхозлар ҳам рентабелли хўжалик бўлиб қолди.

Аввалларимиз кам қувват бўлиб келган «Бўка», «Пискент» совхозлари, Свердлов номли, «Партия ХХ съезди» ва бошқа колхозлар иқтисодий жиҳатдан анча мустаҳкамланиб олдилар.

БИЗДА техникадан фойдаланиш тубдан яхшиланиб боряпти. Кишиларимиз техникани севиб қолишди. Ундан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилишяпти. Буни пахта териш машиналарига бўлган муносабатдан ҳам кўриш мумкин. Ўтган йили ғўзани машина теримига мослаб ўстириб, 16457 тонна «оқ олтин»ни «зангори кема»лар ёрдамида териб олдик. Бу эса 1962 йилда машина билан терилган ҳосилга нисбатан 2,5 баравар кўпдир. Ильич номли, Мичурин номли, Свердлов номли колхозларда, «Кўкорол» совхозида ҳосилнинг 40 процентга яқини машина билан терилди.

Дала ишларини сифатли ўтказишда партия ташкилотларимиз катта ташкилотчилик кўрсатдилар. Колхоз ва совхозларнинг активлари бизга яқиндан ёрдам беришди. Коммунист ва комсомоллар ҳал қилувчи участкаларда жавлон уришди. Ҳар бир ишга бошқош бўлишди.

КИШ яхши келди. Қор кўп бўлди. Бундай нами кўп бўлган қиш анча йилларда бери бўлмаганди. Кузда ўғитлаб, чуқур ҳайдаб қўйган ерларимиз мириқиб сув ичди. Захкаш ерларнинг шўри ювилди.

Умуман ернинг намига чигитни ундириб олиш учун катта қулайликлар вужудга келди. Биз экишни қисқа вақтда, уюшқоқлик билан ўтказиш учун ҳозирдан кўкламга пухта тайёргарлик кўраяпмиз. Бу йилги ютуғимиз ҳар йилгидан ҳам кўп бўлиши учун курашмоқдамиз. Бошқармамизда 60 минг тоннадан кўпроқ пахта етиштириш юзасидан социалистик мусобақа кучайиб кетди. Бизда ғалла етиштириш ҳам муҳим ўринни эгаллайди.

Ўтган йили ҳаммаси бўлиб 9778 тонна ғалла етиштиришгандик. **Бу йил 28882 тонна ғалла ҳосили олишга аҳд қилдик.** Бу билан бир йилнинг ўзида ялпи **ғалла ҳосилини 2,8 бараварга кўпайтирамиз.** Ўтган йили бошоқли экинлардан гектар бошига 5,5 центнердан ҳосил олгандик. **Бу йил эса ҳосилдорликни икки бараварга кўпайтиришга аҳд қилдик. Маккажўхори дони 4 бараварга кўпаяди.** Умуман дуккакли экинлар ҳосили 3,5 баравар кўп бўлади.

Бошқарма чорвадорлари 1915 тонна гўшт, 3212 тонна сут етиштириб бериш учун курашиб, чорва молларининг боқувини яхшиламоқчи. Ҳозирги кунда ариқ-зовурларни тозалашга, шу билан бирга янги ариқ-зовурларни ковлашга катта эътибор бериляпти. Суратда: экскаватор ёрдамида колхозлараро янги ариқ қазилаётир.





Бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорининг моҳиятини меҳнаткашлар оммаси ўртасида кенг тушунтириш йўлида қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Сиёсий ўқиш тўгаракларининг пропагандистлари, агитаторлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари пахтакорлар ўртасида тез-тез бўлиб, суҳбатлар ўтказмоқдалар. Суратда: «Ленинизм» колхозининг бош агрономи ўртоқ Р. Холматов (ўртада) бригада бошлиқлари ва механизаторлар билан КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми ҳақида суҳбат ўтказмоқда.

МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

ЭНДИГИ асосий гап мавжуд имкониятлардан ҳамма ерда тўла фойдаланишда қолган. Биз шу мақсадда ўтган йилги қилинган ишларнинг якунлари ва бу йилги вазифаларга бағишлаб жойларда йиғилишлар ўтказдик. Бу йиғилишлар расмият учунгина бўлмади. Балки, колхоз, совхоз, бригада, бўлим ва звеноннинг иши конкрет фактларда батафсил муҳокама қилинди. Ҳар бир деҳқон резервларимизнинг кўплиги ва булардан моҳирлик билан фойдаланиш зарурлиги ҳақида қуйинибгапирди. Ишимиздаги камчиликлар юзхотир қилинмай очиб ташланди.

Хўш, деҳқончиликда йўл қўйилган камчиликларимиз нимадан иборат?

Биз ўғитдан ва техникадан фойдаланишда йўл қўйилган камчиликларни бу йил такрорланишига сира йўл қўймаймиз. Ҳосилнинг камида 40 процентини машиналар ёрдами билан териб оламиз.

МОСКВАДА, КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми давом этаётган кунларнинг бирида Пленум қатнашчиларидан бир группаси Ленинский Горкидаги экспериментал базага боришди. Мен ҳам улар билан бирга эдим. Бизни база директори ўртоқ Калистратов қабул қилди ва суҳбатлашди. Суҳбатда шу нарса маълум бўлдики, гўнгни маданий ўғит билан бойитиш ва унга тупроқ аралаштириб компост қилинса ернинг кучига яна куч қўшилар экан. Ўртоқ Калистратов бизга кўпроқ компост тайёрлаш, шу билан бирга деворларнинг тупроқларидан, ариқдаги балчиқлардан ерга солишни маслаҳат берди. Биз буни амалга ошириш учун ҳаракат қиляпмиз. **Бу йил хўжаликларимиз 90 минг тонна компост тайёрлашни ўзларига мақсад қилиб қўйишди. Ҳозир биз 50 минг тоннага яқин компост тайёрладик. Ўтган йили ўртача ҳар гектар ерга бир ярим тоннадан компост солинган бўлса, бу йил эса икки баравар кўп қиламиз.**

«Пискент» совхозининг айрим бўлимларида камчиликка йўл қўйдик. «Пискент» совхозида йил давомида экин майдонлари 5,2 марта ўғитланди. Шундан вегетация даврида эса масалан, биринчи июнга қадар ўсимлик фақат 1,9 марта ўғитланди. «Партия XIX съезди» колхозида 1200 гектар майдондаги ўсимликнинг учдан бир қисмигина вегетация даврида бир марта ўғитланди. Бошқа майдонларга эса қўшимча равишда ўғит берилмай қолиб кетди. Натижада колхоз йиллик пахта тайёрлаш планини 84 процент бажариб, ҳар гектар ердан 17,8 центнердан ҳосил олди, холос. «Ленинизм» колхозида 1100 гектар ерга ҳаммаси бўлиб 2,5 марта ўғит солинди. Шундан атиги 600 гектари биринчи июнга қадар ўғитланди. Ҳосил гектар бошига 17,7 центнерга тўғри келди. План бажарилмади. «Ленинобод» колхози бор-йўғи экин майдонини 3,5 марта ўғитлади. Вегетация даврида эса кўпгина пахта майдони бирон марта ҳам ўғитланмай қолиб кетди. Бошқа хўжаликларда ҳам мана шундай агротехника қоидаларини бузиш ҳоллари рўй берди.

Ўғитдан нотўғри фойдаланиш ҳосилнинг кеч етилишига сабаб бўлди. Кўпгина карталарда кўсак очилмай қолди. Оқибатда терим кечикди. Пахтанинг сорти бузилди. Белгиланган ҳосил қўлга киритилмай қолинди. «Партия XIX съезди» колхози етиштирилган ҳосилнинг 60 процентини, «Ленинизм» колхози 75 процентини, Карл Маркс номли колхоз 66 процентини, Калинин номли колхоз 74 процентини биринчи сортга топширдилар, холос.

Техникадан тўғри фойдаланмаслик оқибатида бор-йўғи 27 процент ҳосил машинада териб олинди. Биздаги 322 терим машинаси ўртача 52 тоннадан пахта терди. Агар ҳосилни эрта етилтирганимизда эди, кўпгина майдондаги пахта машиналар ёрдамида териб олинган бўларди. Афсуски, ана шундай бўлмади. «Пискент» совхози, «Гулистон», «Ленинобод» ва бошқа колхозларда жуда кам майдондаги пахта «зангори кема»лар ёрдами билан йиғиштириб олинди. Ваҳоланки, «Бўка», «Кўкорол» совхозларида ана шундай кўнгилсиз аҳвол рўй бермади. Бу хўжаликларда машиналарга ихлос қўйилгани туфайли «зангори кема»лар яхши ишлади. Машина билан пахта териш юзасидан берилган план анча ошириббажарилди.



Ўтган йили «Ленинизм» колхозида анчагина камчиликларга йўл қўйилди. Айниқса, гектар бошига ҳосил олиш кўнгилдагидек бўлмади. Айрим бригадалар планларини бажаролмай доғда қолдилар.

Колхозчилар ўтган йили йўл қўйилган хатоларни тузатиш учун бир кучларига ўн куч қўшган ҳолда меҳнат қилишяпти. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти қолоқ бригадаларни ишчан кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасида анчагина ишлар қилди. Тажрибали деҳқонлар бригада бошлиқлари вазифасига кўтарилди. Шулардан бири ўртоқ Мамарасул Боботоевдир. У бу йил 93 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштиришга сўз берди. Ҳозир бу бригадада мажбуриятга яраша иш қилинаяпти. Суратда: бригада бошлиғи ўртоқ М. Боботоев келтирилган уруғлик чигитнинг сифатини кўздан кечирмоқда.

1959 йили бошқарманинг биргина Бўка зонасида ҳаммаси бўлиб 14 минг 600 гектар ер бор эди. Шу вақт ичида ерга ер қўшилди. Янги ерлар ўзлаштирилди. Қўриқ очилди. Ҳозир бу зонада экин майдони 20 минг гектарга етди. Давлатдан жуда кўп трактор, қишлоқ хўжалик машиналари олдик. Маданий ўғит ҳар қачонгидан кўп берилди. Шундай экан гектар бошига олинган ҳосил кўпайдими? Йўқ. 16—20 центнердан ошмади. Беш йилдан бери ҳосилдорлик бир меёрда қолиб келаяпти.

Ўғитдан фойдаланиш соҳасида ютуқлар билан бир қаторда жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйдик. Бошқармамиз бўйича ўртача бир центнер пахта етиштириш учун 6,7 килограммдан азот сарфланди. Айниқса, «Бўка» совхози ишчиларининг ўғитдан фойдаланишда эришган ютуқларини алоҳида қайд қилиш ўринлидир. Бу ерда деҳқонлар ўғитдан яхши фойдаланишга жиддий аҳамият бердилар. Совхозда бир центнер пахта учун 5 килограммдан ўғит сарфланди «Пискент» совхозида ҳам иш чакки бўлмади. Ҳамза номли, Ильич номли, Жамбул номли колхозларда ҳам бир центнер пахта етиштиришга 6,2 килограммдан ўғит сарфланди.

ЛЕКИН бир қатор хўжаликларимизда ўғитнинг қадрига етилмади. Кўп ҳолларда ўғит очиқ ҳаволарда қолиб кетди. Бир қисми эса белгиланган вақтларда экинга солинмади. Бу эса пахтадан мўл ҳосил етиштиришга салбий таъсир қилди. Ленин номли, Калинин номли, Карл Маркс номли ва бошқа колхозларда ана шундай бўлди. Ленин номли колхозда ҳар бир центнер пахта учун 10 килограммдан ўғит солинган бўлса ҳам ҳосил кўп бўлмади. Чунки ерга солинган бу ўғитларнинг кучи кетиб қолган эди. Карл Маркс номли колхозда бир центнер пахта учун 8,6 килограмм ўғит солиниб 14,2 центнердан, Калинин номли колхозда 9,3 килограммдан ўғит солиниб 13,1 центнердан хирмон кўтарилди.

Ишимиздаги камчиликлардан яна бири шу бўлдики, айрим жойларда ўсимликнинг вегетация даврида ўғитлар кечикиб берилди. Айниқса азот, фосфор солишда ана шундай



«Узсельхозтехника»нинг Бўка район бирлашмаси базасига ҳар куни янгидан-янги қишлоқ хўжалик техникаси келиб турибди. Бу йил бўкалик деҳқонлар давлатдан кўплаб қишлоқ хўжалик машиналари оладилар. Айниқса, пахта териш машиналари сотиб олиш кўпаяди. Бошқарманинг қайси бир хўжалигига борманг, колхозчилар, совхоз ишчиларининг техника хизматидан мамнун эканлигини кўрасиз. Суратда: (ўнгдан) бошқарма ходими З. Исҳоқов ва «Узсельхозтехника»нинг район бирлашмаси ишчиси М. Маърупов ўртоқлар янги сеялкаларни текшириб кўрмоқдалар. В. Салов фотолари.

Биз ўғитдан ва техникадан фойдаланишда йўл қўйилган камчиликларни бу йил такрорланишига сира йўл қўймаймиз. Ҳосилнинг камида 40 процентини машиналар ёрдами билан териб оламиз.

МОСКВАДА, КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми давом этаётган кунларнинг бирида Пленум қатнашчиларидан бир группаси Ленинский Горкидаги экспериментал базага боришди. Мен ҳам улар билан бирга эдим. Бизни база директори ўртоқ Калистратов қабул қилди ва суҳбатлашди. Суҳбатда шу нарса маълум бўлдики, гўнгни маданий ўғит билан бойитиш ва унга тупроқ аралаштириб компост қилинса ернинг кучига яна куч қўшилар экан. Ўртоқ Калистратов бизга кўпроқ компост тайёрлаш, шу билан бирга деворларнинг тупроқларидан, ариқдаги балчиқлардан ерга солишни маслаҳат берди. Биз буни амалга ошириш учун ҳаракат қиляпмиз. **Бу йил хўжаликларимиз 90 минг тонна компост тайёрлашни ўзларига мақсад қилиб қўйишди. Ҳозир биз 50 минг тоннага яқин компост тайёрладик. Ўтган йили ўртача ҳар гектар ерга бир ярим тоннадан компост солинган бўлса, бу йил эса икки баравар кўп қиламиз.**

«Пискент» совхозининг айрим бўлимларида камчиликка йўл қўйдик. «Пискент» совхозида йил давомида экин майдонлари 5,2 марта ўғитланди. Шундан вегетация даврида эса масалан, биринчи июнга қадар ўсимлик фақат 1,9 марта ўғитланди. «Партия XIX съезди» колхозида 1200 гектар майдондаги ўсимликнинг учдан бир қисмигина вегетация даврида бир марта ўғитланди. Бошқа майдонларга эса қўшимча равишда ўғит берилмай қолиб кетди. Натижада колхоз йиллик пахта тайёрлаш планини 84 процент бажариб, ҳар гектар ердан 17,8 центнердан ҳосил олди, холос. «Ленинизм» колхозида 1100 гектар ерга ҳаммаси бўлиб 2,5 марта ўғит солинди. Шундан атиги 600 гектари биринчи июнга қадар ўғитланди. Ҳосил гектар бошига 17,7 центнерга тўғри келди. План бажарилмади. «Ленинобод» колхози бор-йўғи экин майдонини 3,5 марта ўғитлади. Вегетация даврида эса кўпгина пахта майдони бирон марта ҳам ўғитланмай қолиб кетди. Бошқа хўжаликларда ҳам мана шундай агротехника қоидаларини бузиш ҳоллари рўй берди.

Ўғитдан нотўғри фойдаланиш ҳосилнинг кеч етилишига сабаб бўлди. Кўпгина карталарда кўсак очилмай қолди. Оқибатда терим кечикди. Пахтанинг сорти бузилди. Белгиланган ҳосил қўлга киритилмай қолинди. «Партия XIX съезди» колхози етиштирилган ҳосилнинг 60 процентини, «Ленинизм» колхози 75 процентини, Карл Маркс номли колхоз 66 процентини, Калинин номли колхоз 74 процентини биринчи сортга топширдилар, холос.

Техникадан тўғри фойдаланмаслик оқибатида бор-йўғи 27 процент ҳосил машинада териб олинди. Биздаги 322 терим машинаси ўртача 52 тоннадан пахта терди. Агар ҳосилни эрта етилтирганимизда эди, кўпгина майдондаги пахта машиналар ёрдамида териб олинган бўларди. Афсуски, ана шундай бўлмади. «Пискент» совхози, «Гулистон», «Ленинобод» ва бошқа колхозларда жуда кам майдондаги пахта «зангори кема»лар ёрдами билан йиғиштириб олинди. Ваҳоланки, «Бўка», «Кўкорол» совхозларида ана шундай кўнгилсиз аҳвол рўй бермади. Бу хўжаликларда машиналарга ихлос қўйилгани туфайли «зангори кема»лар яхши ишлади. Машина билан пахта териш юзасидан берилган план анча ошириббажарилди.

Ўтган йили «Ленинизм» колхозида анчагина камчиликларга йўл қўйилди. Айниқса, гектар бошига ҳосил олиш кўнгилдагидек бўлмади. Айрим бригадалар планларини бажаролмай доғда қолдилар.

Колхозчилар ўтган йили йўл қўйилган хатоларни тузатиш учун бир кучларига ўн куч қўшган ҳолда меҳнат қилишяпти. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти қолоқ бригадаларни ишчан кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасида анчагина ишлар қилди. Тажрибали деҳқонлар бригада бошлиқлари вазифасига кўтарилди. Шулардан бири ўртоқ Мамарасул Боботоевдир. У бу йил 93 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштиришга сўз берди. Ҳозир бу бригадада мажбуриятга яраша иш қилинаяпти. Суратда: бригада бошлиғи ўртоқ М. Боботоев келтирилган уруғлик чигитнинг сифатини кўздан кечирмоқда.

«Узсельхозтехника»нинг Бўка район бирлашмаси базасига ҳар куни янгидан-янги қишлоқ хўжалик техникаси келиб турибди. Бу йил бўкалик деҳқонлар давлатдан кўплаб қишлоқ хўжалик машиналари оладилар. Айниқса, пахта териш машиналари сотиб олиш кўпаяди. Бошқарманинг қайси бир хўжалигига борманг, колхозчилар, совхоз ишчиларининг техника хизматидан мамнун эканлигини кўрасиз. Суратда: (ўнгдан) бошқарма ходими З. Исҳоқов ва «Узсельхозтехника»нинг район бирлашмаси ишчиси М. Маърупов ўртоқлар янги сеялкаларни текшириб кўрмоқдалар. В. Салов фотолари.

ҚОЛОҚЛАР БЎЛМАЙДИ

ҲОСИЛДОРЛИКНИ оширишда ҳали бизда резервлар жуда кўп. Айниқса **кам ҳосилли бригада ва звеноларни илғорлар даражасига кўтариш йўли билан минг-минглаб тонна «оқ олтин» етиштириш мумкин.** Ўтган йили бизда ҳаммаси бўлиб 367 та бригада бор эди. Шундан 236 таси планини бажарди. 131 та бригада эса ўз зиммасига олган вазифани адо этаолмади. Жуда кўп бригадаларда ҳосил кам бўлди. 72 та бригада 25 центнердан юқори ҳосил олди холос. **Биз 25 центнердан кам ҳосил олаётган қолоқ бригадаларни илғорлар даражасига кўтариш учун барча чораларни кўраяпмиз.** Бригада бошлиқлари тажрибали ва ишчан деҳқонлар билан мустаҳкамланди. Шу билан бирга бу йил звено принципи асосида ишлашни кенг йўлга қўямиз. Агар ўтган йили ҳаммаси бўлиб бизда 770 та звено бўлган бўлса, бу йил уларнинг сони 850 тага етади. **Звено бошлиқлари қилиб механизаторлар тайинланди. Улар звенога бошчилик қилиш билан бир қаторда ўзлари чигитни экишади, ғўзани парвариш қилишади, озиқлантиришади. Ҳосилни машиналар ёрдами билан териб олишади.**

Ҳосилдорликни кўтаришда сувнинг фойдаси ниҳоятда катта. Биз ирригация шохобчаларини яхшилаш билан **ҳар бир картадаги экиннинг сувни қониб ичишига ҳаракат қиляпмиз.** Шу мақсадда ирригация шохобчаларини тозалаш ва уларни ремонт қилиш ишларини жадал суръатлар билан олиб боряпмиз.

Бу муҳим масала юзасидан ўртоқ Н. С. Хрушчев Пленумда қимматли сўзларни айтди: **«...Агар масалан, мелиорацияни олиб, Ўрта Осиёда унинг берадиган самарасини ирригация билан таққослаб қарасак, Ўрта Осиёда ирригацияга маблағ сарфлаш, ҳеч шубҳасиз кўпроқ манфаат беришини кўрамиз, чунки Ўрта Осиёда пахта ва қилинган ҳаракатларни катта натижалар билан қоплайдиган бошқа жуда қимматли экинлар етиштирилмоқда».** Дарҳақиқат республикамизнинг кўпгина зоналарида, шу жумладан бизнинг бошқармамиздаги бир қатор хўжаликларда кунининг исиган пайтларида кўпинча сув етишмай қолади. Бу албатта сув танқислигидан эмас, балки, мавжуд каналларнинг нобоплиги туфайли пастки участкаларга жойлашган колхозларда сув етишмай қолади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, жуда кўп сув йўлларда нобуд бўлиб кетади. Эндиликда биз ҳар бир ариқ ва канални қаттиқ назорат остига олдик. Уларда равон ва тез сув оқиб туриши учун зарур чораларни амалга оширяпмиз. Бир литр ҳам сувнинг исроф бўлмаслиги ва каналларнинг пастки қисмида жойлашган экинзорларни бутун ёз давомида сув билан етарли таъминлаш учун барча ташкилий ишларни амалга ошираётирмиз. Биз ирригация ишларини қанчалик яхшиласак, она-Ватанга шунчалик кўп маҳсулот етиштириб берамиз.

Оҳангарон зонасидаги колхозларда кўпинча сув камчил бўлиб қолади. Биз буни бартараф қиламиз. Тошлоқ, қумлоқ ерлардан ўтган Танчи-бўка, Танчи-корейс, Ёрдамчи ариқларида катта ишлар олиб боряпмиз. Бу ариқлар бутунлай қайтадан ремонт қилиб қўйилди. Сувнинг кўп қисмини йўлда сингиб кетишидек ачинарли ҳолларнинг олдини олдик. Бундан ташқари Шўрариқ, Танчи-корейс каналларининг 20 километр масофасида, 16 минг кубометрлик бетон ишлари амалга оширилди. Сув тошиб кетадиган ерларга дамба босилди.

ЮҚОРИДАГИ ишларни уюшқоқлик билан олиб бориб кўкламни ками-кўстсиз кутиб олишга ҳаракат қиляпмиз. Биз деҳқончилик маданиятини янада юқори кўтарамиз. **Бошқармамиз хўжаликларида 1964-1965 йиллар ичида гектар бошига олинадиган ҳосилни 25 центнерга етказиб олиш учун курашмоқдамиз.** Бунинг учун бизда ҳамма шароит бор. Гап ана шулардан тўла фойдаланишда, ҳар бир ишни ўз вақтида сифатли ўтказишда қолган.

Деҳқончиликнинг ўз режаси бор. Ҳисобкитобдан янглишмасак, партиямиз кўрсатиб берган тўғри йўлдан борсак ишимиз баракали бўлади. Партия, халқ томонидан зиммамизга юклатилган вазифа муваффақиятли адо этилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

3-БЕТ, 28 ФЕВРАЛЬ 1964 ЙИЛ.

ТАБИАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

БАҲАЙБАТ ДАРАХТ

Бу чинорга етти кишининг ҳам қўлочи етмайди. Унинг кавагига чойхона жойлашган. Саводсизликни тугатиш йилларн дарсхоналар етишмаганлигн туфайли бу чинор кавагидан дарсхона сифатида ҳам фойдаланилган. Баҳайбат дарахтнинг илдизлари остида эса шишадек мусаффо булоқ суви чиқиб туради. Шу сувдан кичкинагина кўл ҳам пайдо бўлган. Ям-яшил шохлар остидаги бу сувда галагала балиқлар сузиб юради.

Бу чинор неча юз йиллардан бери яшайди. У тўғрида афсоналар ҳам тўқилган. Сурхондарё областидаги Сайроб қишлоғининг аҳолиси уни «Ота-боболар дарахти» деб аташади.

ТУРЛИ РАНГЛИ СУВ

Зарафшон водисида, Шинг дарёси Магиана дарёсига қўшиладиган жойда ажойиб бир манзарани кўриб ҳайратда қолади киши. Қирғоққа яқин жойда дарё оқимида қора қизғиш рангдаги сув оқаётганини кўриш мумкин. Бу сув бошқа тоғ дарёларининкидаги сингари кўкиш ёки яшил рангда бўлмай қорақизғиш тусдадир.

Шинг дарёси йўл-йўлакай еттита тоғ кўли, еттита дам бўлиш жойи орқали ўтиб, ўзига хос етти фильтрдан сизиб чиқади. Денгиз сатҳидан 1680 метр баландликда Нежигон кўли жойлашган. Шинг дарёсининг сувлари қора қизғиш рангли ана шу кўл орасидан ўтганлиги учун унинг ўзи ҳам шу хил рангга бўялади.

ЖИГАРРАНГ ҚОР

Қўрғонтепа посёлкасининг аҳолиси ажойиб ҳодисанинг гувоҳи бўлдилар. Бу ерда жигарранг қор ёғди. Айрим жойларда қор қатламининг баландлиги 15 сантиметрдан ортиб кетди. Қор эриган сари у тўқ жигарранг тусга кираборди.

Синоптиклар Қўрғонтепада ёққан рангли қор қандай пайдо бўлганлигини аниқладилар. Маълум бўлишича, қизилқум чўлида бўрон турган ва бунинг натижасида чанг тўзонлари осмонга кўтарилган. У келаётган қор булутига аралашган ва совуқ кучайганда жигарранг тусли қор ёққан.

Иосиф СИГАЛОВ,
АПН мухбири.



Суратда: виставка залида. В. Бальсин фотоси.

ЮТУҚЛАРИМИЗ КЎРГАЗМАСИ

Ўрта Осиё халқ хўжалиги кенгаши биносида Ўрта Осиё республикалари радио ва электротехника саноати корхоналарининг янги ўзлаштирган маҳсулотлари намойиш қилинялти. Биология, биохимия, микробиология, медицина ва оид «ақлли» асбоблар, нозик приборлар атрофи томошабинлар билан айниқса гавжум. Улар орасида Тошкентда тайёрланган маҳсулотлар ҳам бор.

«Ташкабель», Тошкент пластмасса буюмлари заводи коллективлари химиявий материаллардан фойдаланиб хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришган. Бу ерга қўйилган ана шу маҳсулотлар барчанинг диққатини ўзига тортаяпти.

Шаҳар корхоналаридан виставкага келган вакиллар ўзларига ёққан буюмларни заказ қилишяпти.

Ўрта Осиё халқ хўжалик кенгаши бундай виставкани доимий равишда ташкил қилиш учун алоҳида бино қуриш планлаштирилди. У пойтахтимизнинг «Победа» маданият ва истироҳат богида бўлади. Виставкада республикамиз ва Ўрта Осиё корхоналарида ишлаб чиқарилаётган турли хил асбоб-ускуналар, саноат корхоналарининг маҳсулотлари доимий равишда намойиш қилинади.

Виставка уч ойгача давом этади.

М. ЗАРИПОВ.

ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК

Бугун Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида дўстлик тўғрисида тузилган битимнинг имзоланганига 43 йил тўлади.

1919 йилда афғон халқи чет эл мустамлакачилари билан олиб борилган қаҳрамонона кураш натижасида сиёсий мустақилликни қўлга киритди. Афғонистоннинг мустақиллигини ва суверенитетини таниб, унга дўстлик қўлини узатган биринчи мамлакат ёш Совет республикаси бўлди. Ҳар иккала мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. «Афғон халқининг ўз мустақиллиги учун олиб борган шонли курашининг биринчи кунлариданоқ, —деб ёзган эди В. И. Ленин афғон давлатининг бошлиғи номига юборган ўз мактубида, —Россиянинг ишчи-деҳқон ҳукумати Афғонистондаги янги тузумни дарҳол таниди унинг мустақиллигини тантанали равишда таниди».

Афғон халқи мустақилликни қўлга киритган вақтдан бери Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари вужудга келди. Улар ҳатто энг оғир халқаро шароитларда ҳам бузилмади. Тўла тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат асосига қурилган бу муносабатлар ҳар иккала давлат манфаатлари учун ҳам мос бўлиб тушди.

Дўстлик тўғрисидаги биринчи Совет-афғон битими 1921 йилда имзоланган эди. Ўша вақтдан бери СССР Афғонистон экономикасини яратиш соҳасида унга ҳар тарафлама беғараз ёрдам бериб келмоқда. Совет Иттифоқи Афғонистонга иқтисодий молиявий ва техника жиҳатдан катта ёрдам кўрсатди. Унинг ўз миллий саноатини барпо этишида, иқтисодий қийинчиликларни енгишида кўмаклашиб келди. Эндиликда СССР Афғонистон хўжалигини ривожлантиришнинг иккинчи беш йиллик планини амалга оширишда афғон халқига катта иқтисодий ёрдам бераяпти. Афғонистонда чиқадиган «Ислоҳ» газетасининг ёзишича, Совет Иттифоқининг бу планни бажаришда кўрсатаётган ёрдами Афғонистон экономикасини мустаҳкамлашга, унинг саноатини, транспортини ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Совет Иттифоқи Афғонистонга миллий мутахассис кадрларни етиштиришда ҳам мадад беряпти. Совет мутахассислари ҳозир Афғонистоннинг бир неча қурилишларида афғон мутахассисларига бевосита кўмаклашмоқдалар. Жангалакдаги авторемонт заводи. Кобулдаги нон комбинати, Фули-Хумридаги элеватор ва сув электростанцияси, Кобул ва Баграм аэродромлари, Қизил қалъадаги дарё порти, масофаси 750 километрга чўзилган Ҳирот — Қандаҳор — Кобул шоссеси, Жалолобод ирригация канали ва бошқа жуда кўп объектларни қуришда уларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг ҳар тарафлама ривожланишида давлат ва жамоат арбобларининг қилган сафарлари катта аҳамиятга эга бўлди. Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев ва бошқа давлат раҳбарларининг Афғонистонга қилган тарихий сафарлари ҳамда Афғонистон короли Муҳаммад Зоҳир шоҳнинг ва бошқа давлат арбобларининг мамлакатимизга жавоб визити ана шу мақсадга хизмат қилди.

Афғонистон ўз ташқи сиёсатида бетарафлик сиёсатини тинмай амалга ошириб келаяпти. У бутун дунёда мустаҳкам тинчлик бўлиши учун, ядро қуролининг батамом тақиқланиши учун курашаётган давлатлар орасидан муносиб ўрин олиб келмоқда.

Совет халқи Совет-афғон дўстлик битими имзоланганлигининг 43 йиллиги кунида мард ва меҳнатсевар афғон халқига янги ҳаёт қуриш йўлида катта муваффақиятлар тилайди.

М. БОБОХЎЖАЕВ.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Қашқадарё областидаги Косон ишлаб чиқариш бошқармасида «Қизил Ўзбекистон» газетхонларининг конференцияси бўлиб ўтди. Редакциянинг масъул секретари С. М. Кароматов редакциянинг иши ҳақида ҳисоб берди.

Конференция қатнашчилари редакция ишини янада яхшилашга қаратилган бир қанча таклифларни айтдилар. Қишлоқ хўжалик новаторларининг муваффақиятларини пропаганда қилишга, қишлоқ меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорларини муваффақиятли бажариш учун курашини мобуотда ёритишга алоҳида эътибор берилди.

* * *

Қарши ишлаб чиқариш бошқармасида нашр қилинаётган «Коммунизм алангаси» газетасининг редакциясида йиғилиш ўтказилиб, ана шу газета тўғрисида «Қизил Ўзбекистон» редакциясининг ходимлари тузган обзор муҳокама қилинди. Ижодий мунозара қишлоқ журналистларида зўр қизиқиш туғдирди. (ЎзТАГ).



БЎРИ БИЛАН ОЛИШУВ

Жумадилла бобо кўчадан кириб келган набираси Раҳим Айдаралиевни қувонч билан қарши олди.

— Мен сени кутиб ўтирган эдим. Бир неча кундан бери уйқумизда ҳаловат йўқ. Қашқир тинчлик бермаяпти. Кеча эшак унга емиш бўлди.

...Раҳим милтиғини қўлига олиб, бобоси билан йўлга тушди. Улар «Қизил ту» колхозининг қорамол фермасига етиб келганларида соат тунги ўн иккилар чамаси эди. Раҳим ферма хоналарини айланиб чиқди. Саройнинг орқа томонидаги туйнукни ўзига мослади. «Шу ерда уни пойлайман» деган қарорга келди.

Тун. Вақт жуда секин ўтмоқда. Уйқусирай уйқуда. Узоқ-узоқлардан фақат итларнинг ҳуришигина эшитилади... Ана, қор ёруғида алланима қорайиб кўринди. Бўрими? Йўқ, бўрига ўхшамайди. У эмаклаб сарой томон келмоқда. Раҳим қорани нишонга олди. Гумбурлаган ўқ товуши қир-адирларни ларзага келтирди. Эмаклаб келаётган нарса қуларди. Раҳим милтиғини қайта ўқлаб, унга томон югурди. «Тулки отган бўлсам керак», хаёлидан ўтказди ёш овчи. Ўлжасига 4—5 метр қолганда, қўрқинчли ириллаган товуш эшитилди. Шу заҳоти «ўлиб» ётган ваҳший Раҳимнинг устига ташланди. Ёш овчи ўзини йўқотиб қўймади. Унинг отган иккинчи ўқи рўпарасида турган ваҳшийнинг калласини парчалаб ташлади.

...Жумадилла бобо етиб келди. У ерда чўзилиб ётган бўрини кўриб «юрагингга қойилман, болам, бу бўриларнинг энг йиртқичи, кўкёл бўри экан», деди.

Колхоз қорамоллари н и н г, қўйларининг душмани бўлган бўрини отиб ўлдиргани учун колхоз правленнеси довюрак Р. Айдаралиевни бир қўй билан мукофотлади.

У. РАҲИМОВ,
Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси.

Суратда: Р. Айдаралиев ўз ўлжаси билан.
М. Нуритдинов фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ УНУТИШМАЙДИ

Ленининг содиқ сафдоши Надежда Константиновна Крупская Ўзбекистон хотин-қизларининг озодлиги учун курашида ўз ҳиссасини қўшган. Шунинг учун ҳам ўзбек аёллари уни доимо ўз қалбларида сақлайдилар ва унга нисбатан буюк ҳурмат туйғуларини билдирадилар.

Ўзбекистон Марказий Давлат архивидаги хилма-хил материаллар орасида айрим ҳужжатлар борки, булар Н. К. Крупскаянинг буюк хизматларини ва унга нисбатан ўзбек хотин-қизларининг ҳурматини кўрсатади. Крупская Ўзбекистонда бўлмаган бўлса ҳам республикамиз хотин-қизларига катта ғамхўрлик қилган, уларнинг бахт-саодати учун курашган. Архивда сақланган «Правда Востока» газетасининг 1927 йил 9 март сонида Крупскаянинг ўзбек ишчи ва деҳқон хотин-қизларига ёзилган хати босилган. Бу хатда Крупская «Шуни билиш керакки, хотин-қизлар озодлигига ёрдам бермаган киши, ўз онаси, синглиси, хотинини, қизини чўри ҳолида тутган киши коммунист ва комсомол номига лойиқ эмас» деган эди. Паранжига қарши ҳужум бошланган ўша даврларда Крупскаянинг хати хотин-қизлар озодлиги учун кучли чақириқ бўлиб хизмат қилди. Бу чақириққа жавобан юзлаб коммунист ва комсомоллар хотин-қизлар озодлиги йўлида шахсан намуна кўрсатдилар.

Н. К. Крупская ўзбек хотин-қизлари билан Москвада бир неча марта учрашган ва уларга қимматли маслаҳатлар берган.

С. ДАВЛАТШАЕВА,
Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архивининг илмий ходими.

ВИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

ГАСТРОЛЬ ИМТИҲОН БЎЛДИ

Театр меҳнаткашларни эстетик руҳда тарбияловчи, уларга маданий хизмат кўрсатувчи санъат ўчоқларидан ҳисобланади. Шу билан бирга театр қардош халқлар дўстлигини мустаҳкамловчи ва ардоқловчи воситачилик ролини ҳам ўтайди. Қардош совет республикалари театр ва санъат коллективларининг вақти-вақти билан бир-бирларининг ҳузурига бориб туришининг боиси ҳам ана шунда.

Маълумки, ўтган 1963 йилнинг кузида жонажон диёримизда рус адабиёти ва санъати декадаси ўтказилган эди. Улкан халқ санъаткорлари ўзларининг ажойиб талант ва маҳоратларини намойиш қилгандилар.

Ўзбек санъаткорлари ҳам ўз навбатида ижодий сафарларга тез-тез чиқиб турадилар. Шундай сафарни бу йил биринчи бўлиб Муқимий номидаги республика мусиқали драма ва комедия театри бошлаб берди. Театр ижодий коллективи 15 кун давомида Москва меҳнаткашларига ўз санъатларини намойиш қилди.

Биз Муқимий номли театрнинг ана шу гастроль сафари қандай ўтганлиги ва Москва таассуротлари ҳақида гапириб бериш учун театр директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Дадаали Соатқуловга мурожаат қилдик.

— Москва гастроли театримиз учун катта имтиҳон бўлди,— деди ўртоқ Д. Соатқулов.— Ахир юксак дидли ва талабчан пойтахт томошабинларига ҳар қандай асарни ҳам манзур қилиш осон эмас. Улар чинакам санъат асарини кўришни истайдилар ва шунга одатланганлар. Биз ана шундай сервавқ ва талабчан санъат мухлисларини ўз санъатимиз билан ошно қилганимиздан беҳад ҳурсандмиз.

Москваликлар Муқимий номли театр билан бундан 5 йил аввал, 1959 йилда Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси кунларида танишиб, ўзбек томошаларини завқ билан кўргандилар.

Театр ижодий коллективи бу галги сафарга масъулиятни ҳис қилган ҳолда жиддий ва узоқ тайёргарлик кўрди. Москвага жўнаш олдидан репетициялар, такрорлашлар, қўшимча машғулотлар ўтказилди. Айрим спектаклларнинг декорациялари, саҳналари ва кийим безаклари қайта ишланди. Гастроль репертуарига асосан замонавий асарлар киритилди. Булардан учтаси шу кунги ҳаётга бағишланган — Ҳамид Ғуломнинг «Тошболта ошиқ», Ҳамза Умаровнинг «Тенгдошлар» («Ишқинг билан»), Қ. Шанғитбоев ва Қ. Бойсеитовларнинг «Жон қизлар» мусиқали комедиялари ҳамда хотин-қизлар озодлиги учун кураш, эскилик билан янгилик ўртасидаги тўқнашув, ёрқин ҳаёт мадҳини куйловчи К. Яшиннинг «Нурхон» мусиқали драмасидир. Мазкур спектакларда асосан театрнинг кекса ва етук саҳна усталари Л. Саримсоқова, Т. Жаъфарова, С. Ҳўжаев, М. Ғафуров, Р. Ҳамроев, Р. Болтаев, О. Фаёзовалар билан ёнма-ён Ф. Раҳматова, М. Каримова, Г. Еқубова, Н. Исҳоқова, Ҳ. Умаров, С. Пўлатов, Б. Ихтиёров каби талантли ёш артистлар ҳам қатнашдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, театрнинг гастроль сафари ажойиб вақтга — КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми ўтаётган кунларга тўғри келди. Катта Кремль театри саҳнасида кўрсатилган спектаклларга пойтахт томошабинлари билан биргаликда Пленум қатнашчилари, чет эллик меҳмонлар ҳам тез-тез келиб туришди.

Гастроль кунларида театр ижодий коллективи томошалар кўрсатишдан ташқари учрашувларда, суҳбатларда бўлишди. Москва марказий телевизион студиясида чиқдилар. Буни москваликлар билан бирга Ленинград, Киев, Болтиқ бўйи шаҳарларининг меҳнаткашлари ҳам томоша қилдилар.

Айниқса, Биринчи Давлат подшипник заводи ишчилари, инженер ва техник ходимлари билан ва П. Лумумба номидаги халқлар дўстлиги университетида ўтказилган учрашувлар театр коллективи ҳаётида унутилмас воқеа бўлди.

14 февраль куни СССР Маданият министрлиги ҳамда Марказий театр жамияти томонидан Катта Кремль театрида гастроль спектаклларининг муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Бунда пойтахтлик атоқли театр танқидчилари, санъат арбоблари, режиссёрлар, ёзувчи, драматург ва композиторлар қатнашдилар. Муҳокамада театр фаолияти ва репертуари ҳақида, музикали драма санъатининг истиқболи тўғрисида кенг фикр юритилиб, қимматли маслаҳатлар берилди. Айрим спектаклларнинг, хусусан, «Нурхон», «Тенгдошлар»нинг ютуқ ва камчиликлари ҳаққоний кўрсатиб берилди. Шунингдек, спектаклларда миллий колорит ва режиссуранинг кенг имкониятларидан усталик билан фойдаланиш, артистларнинг талант ва маҳоратларини янада ошириш борасида конкрет, фойдали таклиф ва истаклар билдирилди. Бу галги гастроль театр фаолияти учун катта аҳамиятга эга бўлган имтиҳон бўлди.

Маълумки, шу йилнинг июнь ойида Муқимий номли театрнинг ташкил этилганига чорак аср тўлади. Шу муносабат билан Д. Соатқулов келгуси режалар ҳақида ҳам гапириб берди:

— Репертуаримизга тобора замона руҳини сингдира борамиз. Бу йилги планда янги асарлардан Рамз Бобожон ва С. Юдаковнинг «Зуҳранинг мактублари», З. Фатхуллин ва Д. Зокировнинг «Мангу ҳаёт», Т. Собиров ва М. Юсуповнинг «Қайдасан ҳаёт» драмалари, Ҳамид Ғуломнинг «Ўғил уйлантириш» комедияси бор.

Театр ижодий коллективи мазкур спектакларни Ўзбекистон Компартиясининг ва республикамизнинг 40 йиллик юбилейига тортиқ қилади.

А. ЮСУПОВ.

Янги китоблар

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриёти қуйидаги брошюраларни босиб чиқарди:

М. ҲУСАНОВ. **Колхозларда ички хўжалик ҳисоби.** 37 бет, тиражи 14300, баҳоси 6 тийин.

М. АМИНОВА, Н. ЗАХАРИНА. **Қардошлик тарихимиздан лавҳалар.** Рус-ўзбек адабий алоқалари ҳақида. 34 бет, тиражи 14.800, баҳоси 6 тийин.

О. ТОЖИБОЕВ. **Пахтачилик машъаллари,** 40 бет, тиражи 14.800, баҳоси 6 тийин.

В. Т. ЕМЦОВ. **Микроблар ҳосилдорлик устаси.** (Қишлоқ хўжалигида «Биологик» азотдан фойдаланишдаги янгиликлар). 51 бет, тиражи 9.500, баҳоси 8 тийин.

Ўзбекистон ССР «Ўрта ва олий мактаб» давлат нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди:

М. АСҚАРОВ, Б. ОЙХЎЖАЕВ, ва Ю. ПОГОСОВ. **Полимерлар химиясидан практикум.** (ЎзССР Олий ва махсус ўрта таълим министрлиги ҳузуридаги химия адабиёти комиссияси олий ўқув юртлари учун қўлланма сифатида тавсия этган). 295 бет, тиражи 3000, баҳоси 77 тийин.

М. А. ПАНКОВ. **Тупроқшунослик.** (ЎзССР қишлоқ хўжалик министрлиги, қишлоқ хўжалик институтларининг студентлари учун дарслик сифатида тасдиқлаган). 512 бет, тиражи 6000, баҳоси 1 сўм 14 тийин.



Москва. СССР Министрлар Советининг Радио эшиттириш ва телевидение бўйича Давлат комитети «Кругозор» журналини нашр этабошлайди. Бу журналнинг 20 рангли саҳифаси ҳамда еттита икки томонлама овозли пластинкаси бўлади, яъни журнални ўқибгина қолмай, уни эшитиш ҳам мумкин. Журнал саҳифаларида расмлар ва фотосуратлар босилади, воқеалар овозларда янграйди. Журналхон айни вақтда эшитувчи ҳамдир. У очерк ва репортажлар қаҳрамонларининг овозини тинглаши ҳам мумкин.

Суратда: янги «Кругозор» журналини ўқиб... Б. Трепетов фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 28 ФЕВРАЛЬ 1964 ИИЛ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

28 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Орбита да—ёш техник** (катта ва ўрта ёшдаги мактаб ўқувчилари учун), 18.40 — Телевизион янгиликлар, 19.00 — **Концерт** (бадиий ҳаваскорлар ижросида), 19.40 — **Қаердасиз, йигитлар** (Марказий телестудия постановкаси), 20.55 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.00 — Телевизион театр. А. Убайдуллаев. **«Ўғирланган ҳаёт»** телевизион постановкасининг премьера с и, 21.45 — **Телевизион янгиликлар,** 22.05 — **Обид Жалилов** («Севимли киноартистлар» циклидан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 21.00 — **Оффенбах. Багатель** оперетта).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/II да **Масхарабозлар** ва **концерт бўлими,** 29/II да **Чио-Чио-Сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/II да **Номаълум киши,** 29/II да **Имон.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/II да **Жон қизлар,** 29/II да **Нурхон.**

КИНО

Тириклар ва ўликлар — «ВАТАН», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», (кундуз ва кечқурун).

Зелёнаядаги данғиллама уй — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Хатарли рейс — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Бугун ва ҳар куни

ЛИЛИПУТЛАР

МУЗИКАЛИ АТТРАКЦИОНИ ва янги программада ЦИРК ТОМОШАЛАРИ.

Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасн *кинотеатрлар экранига*

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРАДИ

ОСТОНАНГДА

Сценарий автори — **С. Нагорний.** Постановкачи режиссёр — **В. Ордынский.**

Бош оператор — **И. Слабневич.**

Р о л л а р д а:
Н. Федосова, П. Любешкин, Л. Дзюба, В. Юрченко, Ю. Горобец ва бошқалар қатнашади.

«Мосфильм» киностудияси ишлаган.

УМРБОД СЕН БИЛАН

Сценарий автори — **Маҳмуд Саъдий.**

Режиссёр — **Аҳмад Дия ал Дин,**
Оператор — **Виктор Антун.**

Р о л л а р д а:
Мадиҳа Юсри, Имад Ҳамди, Умар ал Харирий, Аҳмад Хамис, ва бошқалар.

БАРнинг Мадиҳа Юсри киностудияси ишлаган.

Моторний проезд, 21-уйда турувчи **Мираҳмад Миррахимовнинг** Куйбишев шоссе, 3-проезд, 21-уйда турувчи Ҳалима Зокировна Азизовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Чилонзор массив, 149-уй, 2-квартирада турувчи Рафаил Наловнч **Муҳамедовнинг** Бобожонов кўчаси, 25-уйда турувчи Ильхамия Ғазизовна Муҳамедова (Полатова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Чигатой кўчаси, 2-Чимбой проезд, 92-уйда турувчи, **Абдулла Раҳматовнинг** Ленточная кўчаси, 5-тупик, 11-уйда турувчи Муҳаббат Зоировадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Жарқўча Ҳунарманд проезд, 1-тупик, 2-уйда турувчи **Рашид Исмоиловнинг** Шерозий кўчаси, 13-уйда турувчи Тоҳира Комиловадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор —29004. Редактор ўринбосари— 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, маънаб ва олий ўқув юртлари бўлими —28761. Ахборот ва спорт бўлими —33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —34048. Эълонлар бўлими —28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 02246. ИНДЕКС 64695. Нашр. № Б. 1701.